

IX ҚУРУЛТОЙ
ҚАРОРИ

2025 йил 1 ноябрь

№ IX-1

Тошкент ш.

**Янги Ўзбекистон - янги касаба уюшмалари: Федерациянинг
2021-2025 йиллардаги фаолияти ва “Ўзбекистон-2030” стратегияси
асосида миллий тараққиётнинг янги босқичида касаба уюшмаларининг
устувор вазифалари тўғрисида**

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси IX Қурултойи делегатлари Бош кенгашнинг 2021-2025 йиллардаги фаолият тўғрисидаги ҳисоботини тинглаб ва муҳокама қилиб, ҳисобот даврида касаба уюшмаларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев раҳбарлигида мамлакатнинг барча соҳаларида олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлардаги фаол иштирокини эътироф этади.

Ижтимоий шерикликни янада юқори босқичга кўтариш, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлик кўламини кенгайтириш, халқаро ташкилотлар ва касаба уюшмалари бирлашмалари билан алоқаларни мустаҳкамлаш соҳасида амалга оширилган ишлар натижасида касаба уюшмаларининг жамиятда, халқаро касаба уюшмалари ҳаракатида тутган ўрни ва нуфузи сезиларли даражада ортди.

2020 йил 11 ноябрь куни Федерациянинг VIII Қурултойида тасдиқланган “Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг 2021-2025 йилларга мўлжалланган стратегик йўналишлари”ни амалга ошириш вазифалари барча даражадаги касаба уюшмалари ташкилотларининг ҳисобот давридаги фаолияти негизини ташкил этди.

Норма ижодкорлигида иштирок этиш йўналишида амалга оширилган ишларда асосий эътибор меҳнат ва касаба уюшмалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш жараёнида ходимлар ва касаба уюшмаларининг ҳуқуқлари сақлаб қолинишига ва кенгайтирилишига эришишга қаратилди.

Касаба уюшмаларининг таклифларига кўра янги таҳрирдаги Меҳнат кодексига “Меҳнат соҳасидаги ижтимоий шериклик” тўғрисидаги боб, ташкилотларда малакали мутахассисларни тайёрлаш, уларнинг иш ўрнида кўнимсизлигини камайтириш мақсадида кўп йиллик иш стажи учун ҳар йилги кўшимча таътил бериш, иш берувчи ташаббусига кўра меҳнат шартномасини бекор қилишда ходимга бериладиган кафолатлар, меҳнат низолари бўйича судга мурожаат қилиш учун даъво муддатини бир ойдан уч ойгача узайтириш тўғрисидаги нормалар киритилди.

Касаба уюшмаларининг ташаббуси билан Ўзбекистон Республикасининг “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги Қонунига ҳамда Солиқ кодексига тегишли ўзгартиришлар киритилишига, Вазирлар Маҳкамаси томонидан “Юридик шахс мақомига эга бўлмаган касаба уюшмаларининг бўлинмаларини ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилотларини ҳисобга қўйиш тартиби тўғрисидаги Низом” тасдиқланишига эришилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги янги қонундан келиб чиқиб Федерация меҳнат инспекциясининг тикланиши меҳнаткашлар ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши устидан касаба уюшмаларининг жамоатчилик назоратини янада юқори босқичга олиб чиқиш учун замин яратди.

Ҳисобот даврида касаба уюшмалари инспекторлари томонидан 13 мингта ташкилотда ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга риоя этилиши устидан жамоатчилик назорати амалга оширилиб, 45 мингдан зиёд камчилик аниқланди.

Иш берувчиларга 8 мингдан ортиқ кўрсатма киритилиб, қарийб 39 минг 841 та камчилик бартараф этилишига, 478 минг нафардан зиёд шахсларнинг ҳуқуқлари тикланишига ва ходимлар фойдасига 267,3 млрд. сўм ундирилишига эришилди.

2021-2025 йилларда Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича республика уч томонлама комиссиясининг 12та мажлиси ўтказилиб, уларда ижтимоий-меҳнат соҳасига оид кўплаб муҳим масалалар муҳокама этилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ва Ўзбекистон Иш берувчилари Конфедерацияси ўртасида имзоланган Бош жамоа келишуви, унинг асосида тузилган 14 та ҳудудий жамоа келишувлари, 103 та тармоқ жамоа келишувлари, 540 та ҳудудий-тармоқ келишувлари бугунги кунда ходимлар учун ижтимоий кафолатлар кўламини янада кенгайтиришнинг муҳим ва ишончли механизми бўлиб хизмат қилмоқда.

Ҳисобот даврида касаба уюшмалари хизматига олинган юридик шахсларда қабул қилинган жамоа шартномалари сони 110 мингтадан 127 мингтага, улар билан қамраб олинган ходимлар сони 4,3 млн. нафардан 5,5 млн. нафарга ошди.

Касаба уюшмалари томонидан корхона, ташкилот ва муассасаларда иш берувчилар томонидан энг кам иш ҳақи меъёрларига риоя этилиши ҳолати, ходимларга тўланаётган иш ҳақи уларнинг малака даражасига мувофиқлиги бўйича мониторинглар мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда.

Ходимларнинг меҳнат муҳофазасига доир қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш доирасида қарийб 6 мингта корхона ва ташкилотда меҳнат муҳофазаси ҳолати ўрганилди, ушбу жараёнда аниқланган 21 мингдан зиёд камчиликларнинг аксарияти бартараф этилишига эришилди.

Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик, Адлия вазирликлари ҳамда бошқа мутасадди ташкилотлар билан тизимли ҳамкорлик амалга оширилиб келинмоқда.

2023 йилдан бошлаб касаба уюшмалари Федерацияси томонидан давлат органлари ва ташкилотларида жамоатчилик назорати доирасида Гендерга оид аудит ўтказиш йўлга қўйилди.

Ҳисобот даврида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг 1211 “Ишонч телефони”га хотин-қизлардан тушган қарийб 200 мингта мурожаатларнинг 99,6 фоизи ижроси таъминланишига эришилди. Шунингдек, “Аёллар дафтари” тизимининг 6 та босқичида жами 4 млн. 538 минг нафардан зиёд хотин-қизларнинг муаммолари ҳал этилди.

Касаба уюшмаларига янги аъзоларни жалб қилиш борасидаги тарғибот-ташвиқот ишларининг мунтазам равишда олиб борилиши натижасида касаба уюшмалари аъзолари сони бугунга келиб қарийб 8 млн. нафарга етди.

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, жамиятда соғлом турмуш маданиятини шакллантириш соҳасида олиб борилаётган ишларда касаба уюшмаларининг фаол иштироки таъминланмоқда.

Ҳисобот даврида Федерация тизимидаги санаторий ва дам олиш уйларида 824 минг нафардан зиёд фуқаролар соғломлаштирилди, улардан 44 фоизи имтиёзли ва бепул йўлланмалар орқали соғлиғини тиклади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига мувофиқ 2022 йилда Федерация тизимида Болаларнинг дам олишини ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаментининг тузилиши иқтисодиётда хусусий мулк улуши ортиб бораётган шароитда вазирлик, идоралар тизимидаги болаларни соғломлаштириш оромгоҳларининг фаолият йўналишларини сақлаб қолиш имкониятини яратди.

Фаолият юритмаётган ёки самарасиз ишлаётган 82 та болалар соғломлаштириш оромгоҳлари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси балансига ўтказилди ва тасарруфдаги оромгоҳлар сони 107 тага етди. 2021-2025 йиллар ёз мавсумида оромгоҳларда қарийб 1 млн. 545 минг нафардан зиёд болалар соғломлаштирилди.

Федерациянинг Жисмоний тарбия ва спорт-соғломлаштириш ишлари бошқармаси фаолиятини кенгайтириш соҳасида салмоқли ишлар амалга оширилиб, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида муассасанинг масъул ташкилотчилари жорий этилди.

Улар томонидан жойларда тармоқ касаба уюшмаларининг вилоят, туман бўлинмалари билан ҳамкорликда меҳнаткашларни оммавий жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, корхона ва ташкилотларда ишлаб чиқариш гимнастикалари ўтказилишини йўлга қўйиш ишлари амалга оширилмоқда.

2024 йилда “Яккасарой” спорт-соғломлаштириш мажмуасида халқаро талабларга жавоб берадиган сув спорти саройи фойдаланишга топширилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари тизимида 5 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ташкил этилиб, уларда 60 нафар ўқитувчи ва мураббийлар минг нафарга яқин ўқувчи-ёшларга машғулотлар ўтказиб келмоқда.

Халқаро ташкилотлар, аввало, кўшни мамлакатларнинг касаба уюшмалари марказлари билан ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга қаратилган ишларни тубдан кучайтириш чоралари кўрилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан 2021 йилда Тошкент шаҳрида Марказий Осиё мамлакатлари касаба уюшмалари Кенгаши таъсис этилди, 2023 йил 22 сентябрь куни Самарқанд шаҳрида Қозоғистон, Озарбайжон, Туркия ва Ўзбекистон Миллий касаба уюшма марказлари иштирокида Туркий давлатлар касаба уюшмалари Ташкилотининг таъсис йиғилиши ўтказилди.

Халқаро касаба уюшмалари Конфедерациясининг 2024 йил 3-5 декабрь кунлари Бразилиа шаҳрида бўлиб ўтган Бош кенгаши 35-мажлисида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ушбу Конфедерацияга ҳақиқий аъзоликка қабул қилинди.

2024, 2025 йилларда Федерация ташаббуси билан Тошкент шаҳрида 30 дан зиёд давлатларнинг касаба уюшмалари, Халқаро Меҳнат Ташкилоти, Халқаро касаба уюшмалари Конфедерацияси вакиллари, нуфузли халқаро экспертлар ва йирик олимлар иштирокида халқаро конференциялар ташкил қилинди.

Шу билан биргаликда, фаолиятни янада кучайтириш ва такомиллаштириш соҳасида имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмагани сабабли, айрим йўналишларда камчиликлар ҳам мавжудлиги кузатилди.

Хусусан, ижтимоий-меҳнат соҳасидаги масалаларни маслаҳатлашувлар асосида ҳал қилишнинг самарали механизмларидан бири бўлган тармоқ ва ҳудудий комиссиялар ишини бугунги кун талабига тўлиқ жавоб беради, деб бўлмайди.

Тармоқ ва ҳудуд даражасидаги ваколатли органларнинг меҳнаткашлар манфаатларига оид қабул қилаётган меъёрий ҳужжатлари лойиҳаларига асосланган таклифларни киритиш ва уларни қатъият билан ҳимоя қилишга касаба уюшмалари Республика кенгашлари, Федерациянинг ҳудудий Кенгашлари томонидан етарли эътибор қаратилмаяпти.

Жамоа келишувлари ва шартномалари сифатини янада яхшилаш, уларнинг бажарилиши юзасидан тарафларнинг ҳисобдорлигини таъминлаш, ягона музокара жараёнига қатъий амал қилиш соҳасида мавжуд камчиликлар тўлиқ бартараф этилишига ҳали эришилмади.

Ходимларни ишга киришда ва вақти-вақти билан иш берувчилар ҳисобидан тиббий кўрикдан ўтказиш, белгиланган меъёрларга мувофиқ шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш, хавфсизлик техникаси бўйича йўл-йўриқдан ўтказиш ишлари етарли даражада ташкил этилмаслиги, шунингдек ходимларда меҳнат муҳофазаси бўйича билим ва малака

етишмаслиги бахтсиз ҳодислар содир бўлишига, касб касалликларига сабаб бўлмоқда.

Бошланғич ташкилотларда санаторийлар учун йўлланмалардан фойдаланиш, маблағларни самарали ва оқилона йўналтириш, сарф-харажатларни асословчи ҳужжатларни расмийлаштириш борасидаги мавжуд камчиликларга тўлиқ барҳам берилмаган.

Хусусий секторда фаолият юритаётган, хорижий инвестициялар иштирокидаги аксарият корхона ва ташкилотлар ходимлари касаба уюшмаларига жалб этилмасдан қолмоқда.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Бош кенгашининг 2021-2025 йиллардаги фаолиятига доир ҳисоботни тинглаб ва муҳокама этиб,
IX Қурултой

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

1. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Бош кенгашининг ҳисобот давридаги фаолияти қониқарли деб баҳолансин (*Федерациянинг 2021-2025 йиллардаги фаолияти тўғрисида ахборотнинг тўлиқ матни илова қилинмоқда*).

2. Қуйидагилар навбатдаги ҳисобот даврида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг устувор вазифалари этиб белгилансин:

2.1. Қонун ижодкорлиги ҳамда ҳуқуқий ҳимоя соҳасида:

янги қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари Федерация ёки тегишли касаба уюшмаси билан мажбурий тарзда келишиб олинишига оид **норматив негизни қайта кўриб чиқиш** юзасидан таклифларни мутасадди ташкилотларга киритиш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни жамоатчилик ва гендер экспертизасидан ўтказишда касаба уюшмаларининг тизимли иштирокини таъминлаш;

ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий суғурта тизимлари барча фуқароларга, шу жумладан, ўзини ўзи банд қилганлар, аутсорсинг, аутстаффинг, фриланс шартларида ишлаётган ходимлар, шунингдек, вақтинчалик, мавсумий, масофавий, платформалик ва беқарор бандликнинг бошқа кўринишларида банд бўлганларга нисбатан татбиқ этилишига эришиш;

“истеъмол саватчаси” ва “тирикчилик учун зарур энг кам миқдор” тушунчаларини қонуний тартибга солиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат, **“Ижтимоий суғурта тўғрисида”** ҳамда **“Мажбурий тиббий суғурта тўғрисида”**ги қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш юзасидан таклифларни тайёрлаш;

ижтимоий тармоқларда ахборот каналларини ҳамда **“Ишонч телефон”**лари тармоғини кўпайтириш, сайёр қабуллар ташкил этиш орқали аҳоли билан ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича **Қайта алоқа механизмини янада такомиллаштириш;**

жамоа шартномалари ва келишувларида ишга қабул қилиш ҳамда хизмат бўйича кўтаришда хотин-қизлар ва эркалар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни яратиш, улар меҳнатига ҳақ тўлашда нотенгликни бартараф этиш масалалари киритилишига эришиш.

2.2. Ижтимоий мулоқот ва ижтимоий шерикликни ривожлантириш соҳасида

Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича республика уч томонлама комиссияси ишини янада жонлантириш;

Ижтимоий-меҳнат масалалари тармоқ комиссиялари ишини фаоллаштиришда аъзо ташкилотларга ёрдам кўрсатиш;

ижтимоий шериклар билан ҳамкорликни такомиллаштириш, ижтимоий мулоқотнинг энг яхши амалиётини ўрганиш ва кенг ёйиш;

2026 йил 1 январдан бошлаб Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган масалалар кўриб чиқиладиганда Федерация вакилларининг иштирокини таъминлаб бориш.

2.3. Меҳнатга ҳақ тўлаш, бандлик, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси соҳасида:

ҳар йили 1 январига қадар камбағалликни қисқартиришга оид давлат дастурида касаба уюшмаларининг ўрнини белгилаш ҳамда дастур ижросида уларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиб, амалга ошириб бориш;

меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорини белгилаш юзасидан Ҳукумат, иш берувчилар бирлашмалари ва касаба уюшмалари ўртасида маслаҳатлашувлар ўтказиш юзасидан таклифларни уч томонлама комиссияга киритиш;

меҳнаткашларнинг норасмий иқтисодиётдан расмий иқтисодиётга ўтказилишига ҳар томонлама кўмаклашиш;

меҳнатни муҳофаза қилишнинг бошқариш тизимини ҳамда меҳнат хавфсизлиги стандартларини жорий этиш, меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси бўйича тармоқ ва ҳудудий мақсадли дастурларни долзарблаштириш, даволаш-профилактика озиқ-овқатлари билан таъминлаш стандартларини қайта кўриб чиқиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва мутасадди ташкилотларга киритиш;

меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси хизматини ташкил этиш ва уни кадрлар билан мустаҳкамлаш;

Хотин-қизларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш бўйича Республика комиссияси билан ҳамкорликда **“Касаба уюшмалари – аёллар манфаати йўлида”** деган шиор асосида янги тизимни йўлга қўйиш орқали аёлларнинг меҳнат, ижтимоий, гендер тенглик соҳасидаги муаммоларини ҳал қилиш ишларини янада кучайтириш.

2.4. Ташкилий масалалар, кадрлар билан ишлаш, молиявий, маданий-маърифий ва спорт-соғломлаштириш ишлари соҳаларида

Федерацияга аъзо ташкилотлар, Федерация ҳудудий Кенгашларининг янги ташкил этилаётган барча турдаги, айниқса хусусий сектор, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхона, ташкилот ва муассасалар ходимлари, ностандарт меҳнат муносабатларида иштирок этувчи ходимлар, ўзини ўзи банд қилган ва норасмий банд фуқароларни касаба уюшмаларига жалб қилиш борасидаги ишларини қўллаб-қувватлаш;

Федерацияга аъзо ташкилотларнинг молиявий имкониятлардан келиб чиқиб **ташкилий тузилмасини такомиллаштириш, ҳудудий бўлинмаларини ташкил этиш** борасидаги ишларни тизимли давом эттириш;

бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари ҳисобини юриштишнинг **“электрон тизими”**ни янада такомиллаштириш;

Малака ошириш институти негизида барча даражадаги касаба уюшмалари кадрларини **тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, шунингдек, касаба уюшмалари етакчилари, мутахассислари ва фаоллари ўқувини янада такомиллаштириш бўйича комплекс тизимни ривожлантириш;**

2026 йилнинг 1-чораги якунигача ҳар бир касаба уюшмаси органи ўзининг молиявий фаолияти натижалари тўғрисида касаба уюшмаси аъзолари олдида мунтазам ҳисобот бериб бориш мажбуриятини назарда тутувчи тартибни жорий этиш;

янги корхоналарни таъсис этиш ва мавжудларини модернизация қилиш йўли билан **касаба уюшмаси бюджетининг даромадлар қисмини оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;**

касаба уюшмалари органлари томонидан молиявий интизомга сўзсиз риоя этилиши, барча бўғиндаги назорат-тафтиш комиссиялари ҳамда Федерация назорат-тафтиш комиссиясининг назорат ишлари самарадорлиги учун масъулиятини кучайтириш;

тизимли равишда ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида оммавий спорт турлари бўйича туркум мусобақалар ташкил этиб бориш;

замонавий шароитларини яратиш, санаторийлар, дам олиш уйлари ва болалар соғломлаштириш оромгоҳларида ўринлар сонини кўпайтириш ҳамда уларни модернизация қилиш йўли билан **аҳолининг кенг қатламларини соғломлаштиришга жалб этиш;**

меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида **маданий-маърифий ишлар кўламини кенгайтириш, экологик, тиббий ва зиёрат туризминини ривожлантириш ;**

ўсмирлар ва қизларни спорт билан шуғулланишга кенгроқ жалб қилиш ва бунинг учун муносиб шароитларни яратиш мақсадида **болалар-ўсмирлар спорт мактаблари фаолиятини янада ривожлантириш.**

2.5. Касаба уюшмалари фаолиятининг устувор йўналишларида амалга ошириладиган ишлардан кенг жамоатчиликни хабардор этиш, фаолиятни рақамлаштириш ва сунъий интеллект технологияларини жорий этиш йўналишларида:

Йил давомида, тасдиқланган аниқ жадваллар асосида брифинглар ва матбуот анжуманлари ўтказиб бориш, миллий ва халқаро матбуот анжуманларида, шунингдек, республика ва маҳаллий телеканалларда ташкил этиладиган туркум кўрсатувларда касаба уюшмалари етакчиларининг иштирокини кенгайтириш, энг оммабоп ижтимоий тармоқларда ташкилот саҳифаларини мунтазам юритиб бориш;

Федерация ва аъзо ташкилотлар раҳбарларининг мақолалари, касаба уюшмалари, уларнинг бўлинмалари ва бошланғич ташкилотлари фаолиятига оид чиқишларини Ўзбекистон ва хорижий мамлакатларнинг веб сайтлари ҳамда нашрларида мунтазам жойлаштириб бориш;

Федерация нашриёт мажмуаларини, электрон ва босма оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

рақамли технологиялар инфратузилмасини ривожлантириш, барча ҳудудий ва тармоқ касаба уюшмалари ташкилотларини юқори тезликдаги интернет тармоғи, замонавий серверлар, компьютер техникалари билан таъминлаш ва ахборот хавфсизлиги тизимларини такомиллаштириш;

2026 йилда электрон ҳужжат айланмасига тўлиқ ўтиш, электрон ариза, муружаат ва шикоятларни қабул қилиш ва назорат қилиш тизимини, тезкор ва ишончли таҳлилий маълумотларни етказиб турувчи ахборот- таҳлили (data analytics) ва сунъий интеллект (AI) технологияларини жорий қилиш;

шаффофликни таъминлаш ва аҳолининг санаторийларда саломатлигини яхшилаш учун уларга қулайликлар яратиш мақсадида “Онлайн йўлланма” дастурини такомиллаштириш.

3. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Бош кенгашига:

белгиланган устувор вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича аниқ манзилли ва муддатли чора-тадбирлар режаларини ишлаб чиқиб, амалга ошириш ишларини тизимли равишда ташкил қилиб бориш;

чора-тадбирлар режаларининг бажарилишини Бош кенгаш ва Ижроия қўмита мажлисларида мунтазам кўриб борилишини таъминлаш вазифалари топширилсин.

4. Тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашларига:

2026 йил 1 январдан бошлаб вазирлик ва идоралар ҳамда тармоқ касаба уюшмалари коллегияларининг қўшма йиғилишини доимий равишда ўтказиб бориш тизимини йўлга қўйиш юзасидан зарур чораларни кўриш;

2025 йил охиригача ҳар бир тармоқ бўйича гендер тенгликни таъминлаш учун манзилли стратегиялар ишлаб чиқишини ва амалга ошириб борилишини таъминлаш;

2026 йил давомида хорижий мамлакатларнинг турдош касаба уюшмалари билан икки томонлама ўзаро манфаатли алоқаларни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш, хорижий мамлакатлар турдош касаба уюшмалари ташкилотларининг мақбул бўлган ижобий иш тажрибаларини фаолиятга татбиқ этиб бориш вазифалари юклатилсин.

5. Тармоқ касаба уюшмалари Республика, Федерациянинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари:

1 ой муддатда тегишли ижтимоий шериклар билан маслаҳатлашувлар асосида ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича тармоқ ва ҳудудий комиссиялар ишини жонлантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни белгиласин ҳамда амалга оширсин;

2026 йилнинг 1 чораги якунига қадар ўзаро ҳамкорликда касаба уюшмалари органлари мавжуд бўлган барча бўғинларда ҳудудий-тармоқ келишувларини тузиш ишларини ташкил қилсин;

чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар, тармоқ кластерлари, қурилиш ташкилотлари, фермер хўжаликлари, кичик бизнес субъектлари, платформа иқтисодиёти субъектлари, шунингдек мавсумий меҳнат жамоаларида жамоа музокараларини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратсин;

2026 йилдан бошлаб тармоқ жамоа келишувлари ва жамоа шартномалари тузилишининг қетма-кетлигига қатъий риоя этилиши устидан тизимли назоратни янада кучайтирсин;

бўш иш ўринлари ярмаркаларини ўтказиш ва банд бўлмаган фуқароларни ишга жойлаштириш бўйича бандликка кўмаклашиш марказлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан яқиндан ҳамкорликни тизимли равишда давом эттирсин;

жамоа шартномалари ва келишувларига меҳнатга ҳақ тўлашнинг оширилган тариф коэффициентлари, мукофотлар, кўшимча тўловлар, устамалар, компенсациялар ва рағбатлантириш тарзидаги тўловлар киритилишига эришиб борсин;

мунтазам равишда иш берувчилар томонидан ходимларга иш ҳақи ўз вақтида ва тўлиқ тўланиши ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори стандартларига риоя этилиши устидан таъсирчан назорат олиб борсин, иш ҳақи тўлови ҳар бир кечиктирилган кун учун қонунчиликда белгиланган пулли компенсация тўланишини қатъий назоратга олсин;

муносиб меҳнат шароитларига эга, жароҳатланиш ва касб касалликларига чалиниш эҳтимолини, табиий атроф-муҳитга салбий таъсирни пасайтирувчи “яшил иш ўринлари” яратилишида иш берувчиларга доимий равишда кўмаклашсин, меҳнат муҳофазаси бўйича вакиллар фаолиятини тизимли йўлга қўйсин ва рағбатлантириб борсин;

2026 йил 1 июлгача ижтимоий шериклар, мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда даволаш-профилактика озиқ-овқатлари билан таъминлаш, махсус кийим-бош, санитар кийим-бош, махсус пойабзал ва бошқа шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан бепул таъминлаш стандартларини қайта кўриб чиқиш юзасидан таклифларни тайёрласин ва Федерацияга тақдим этсин;

тизимли равишда хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари ва хавф-хатарлар таъсирини камайтириш, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларининг олдини олиш, шу асосда меҳнат унумдорлигини кўтаришга қаратилган тадбирларни амалга ошириб борсин;

2026 йил якунига қадар касаба уюшмаси мавжуд бўлмаган корхоналар, айниқса, хорижий инвестициялар иштирокида ташкил этилган, қўшма ёки хусусий корхоналар ходимларини касаба уюшмаларига тўлиқ жалб этиш бўйича “йўл хариталари”ни ишлаб чиқиб, амалга оширсин;

2026 йилнинг 1 апрелига қадар бандликнинг янги шаклларида (масофавий иш, платформа бандлиги, ўзини-ўзи банд қилиш) меҳнат қилаётганларни касаба уюшмаларига бирлаштиришнинг янги механизмини йўлга қўйиш юзасидан таклифларни тайёрласин ва Федерацияга тақдим этсин;

2026 йил 1 январдан бошлаб “касаба уюшмалари картаси”га риоя этилиши устидан қатъий назоратни йўлга қўйсин;

ахборот ресурсларидан самарали фойдаланиш, расмий веб-сайтларнинг сифатини яхшилаш, оммавий ахборот воситалари билан алоқаларни мустаҳкамлаш, ижтимоий тармоқларда ташкилот саҳифаларини очиш ҳамда ушбу масалалар билан шуғулланувчи кадрлар малакасини ошириш ишларини **тизимли равишда** йўлга қўйсин;

2 ой муддатда Қурултой қарори ва ҳужжатларини барча бошланғич касаба уюшмалари ташкилотларига, туман, шаҳар, вилоят бўлинмаларига ва ҳар бир касаба уюшмаси аъзосигача етиб боришини, касаба уюшмалари органларининг кенгайтирилган йиғилишларида муҳокама этилишини, истиқболдаги аниқ вазифалар белгиланишини ҳамда амалга оширилишини таъминласин.

Раислик қилувчи

Б.Махмадалиев

**Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерацияси IX Қурултойининг
2025 йил 1 ноябрдаги IX-1-сонли қарорига
илова**

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг
2021-2025 йиллардаги фаолияти тўғрисида
АХБОРОТ**

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги ташкилотларининг 2021-2025 йиллардаги (кейинги ўринларда “ҳисобот даври”) фаолияти 2020 йил 11 ноябрда бўлиб ўтган VIII Қурултой қарорида, ушбу Қурултойда қабул қилинган “Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг 2021-2025 йилларга мўлжалланган Стратегик йўналишлари”да белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга қаратилди.

Шаклланаётган янгича меҳнат муносабатлари, бозор иқтисодиётига ўтиш кўламининг муттасил ортиб бориши шароитида меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва кафолатлари даражаси пасайиб кетишининг олдини олиш мақсадида норма ижодкорлиги ишларида асосий эътибор ижтимоий-меҳнат соҳасида амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, янгиларини ишлаб чиқишга қаратилиб, бу жараёнда касаба уюшмалари фаол иштирок этдилар.

Ушбу йўналишдаги ишларни ташкил этишда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида касаба уюшмаларига берилган ваколатлардан фойдаланилди, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ва Ўзбекистон Иш берувчилари Конфедерацияси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича Бош жамоа келишуви имкониятларидан самарали фойдаланиш чоралари кўрилди.

Хусусан, 2023-2025 йиллар учун Бош жамоа келишувида янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш, амалдагиларига ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш, меҳнат ҳуқуқи масалалари бўйича аҳоли билан қайта алоқа механизми каналлари сонини кўпайтириш, фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, янги таҳрирдаги Меҳнат кодексини амалиётга кенг жорий қилиш масалалари қамраб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари, Ёшлар, маданият ва спорт масалалари, Қонунчилик палатасининг Меҳнат, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар, Фан, таълим, маданият, спорт ва ёшлар масалалари, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари, Демократик институтлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш масалалари кўмиталари билан ҳамкорлик мазмун ва сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилишига эришилди.

Сенат ва Қонунчилик палатасининг тегишли кўмиталари қошидаги Жамоатчилик эксперт кенгашлари таркибига касаба уюшмалари вакилларининг киритилиши ижтимоий-меҳнат соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларига ходимларнинг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда таклифларни тақдим этиб бориш ва уларни самарали ҳимоя қилиш учун кенг имкониятлар яратди.

Ҳисобот даврида меҳнат соҳасида муҳим аҳамиятга эга бўлган 2 минг 500 дан зиёд норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари касаба уюшмаларининг малакали мутахассислари томонидан кўриб чиқилиб, мутасадди ташкилотларга асослантирилган таклифлар киритилди.

Булар жумласига Ўзбекистон Республикаси Президентининг:

“Фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш тизимини халқаро тажриба ва стандартлар асосида янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони;

“2022-2030 йилларда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони;

“Ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлигига кўмаклашиш ҳамда ижтимоий фаоллигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори;

“Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Миллий таълим дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг:

“Ўзбекистон Республикасининг 2021-2030 йилларда аҳоли бандлигига кўмаклашиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори;

“Аутстаффинг хизматларини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори;

“Бўш иш ўринлари (вакант лавозимлар) мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларни шакллантириш ва ишга жойлаштиришни ташкил этиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори;

“2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясини тасдиқлаш ҳақида”ги қарори;

“Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматлари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори;

“Идоравий мансублиги, мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклларида қатъи назар корхона, муассаса, ташкилот ички меҳнат тартибининг намунавий қоидаларини тасдиқлаш ҳақида”ги қарори;

“Кинематография соҳасидаги ходимларни ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш бўйича қўшимча-чора тадбирлар тўғрисида”ги қарори;

“Ишлайдиган оналарга бола икки ёшга етгунга қадар уни парвариш қилиш учун ҳар ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби” тўғрисидаги қарори билан тасдиқланиши назарда тутилган низомларни киритиш мумкин.

“Истеъмол саватчаси” ва “Тирикчилик учун зарур энг кам миқдор” тушунчаларини қонуний тартибга солиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинишига эришиш соҳасидаги саъй-ҳаракатлар ўз натижасини бериб, 2021 йил 27 августда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 544-сонли “Минимал истеъмол харажатлари қийматини ҳисоблаш тартибини амалиётга жорий этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. 2021 йилда

дастлаб белгиланган минимал истеъмол харажатлари 400 минг сўмни ташкил этган бўлса, 2025 йил февралида 669 минг сўмга етди ва 2021 йилга нисбатан 1,67 баробарга ошди.

Қайд этилганлардан ташқари Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик, Адлия, Соғлиқни сақлаш вазирларининг жами 7 та буйруқлари, Давлат статистика кўмитаси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган жами 5 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари юзасидан тегишли таклифлар тақдим этилди.

Федерация мутахассислари янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси лойиҳасини ишлаб чиқишда ҳам фаол иштирок этиб, ходимлар манфаатларини кўзлаган ҳолда бир қатор таклифларни илгари сурдилар.

Жумладан, касаба уюшмаларининг таклифларига кўра кодексга “Меҳнат соҳасидаги ижтимоий шериклик” тўғрисидаги боб, ташкилотларда малакали мутахассисларни тайёрлаш, уларнинг иш ўрнида кўнимсизлигини камайтириш мақсадида кўп йиллик иш стажи учун ҳар йилги кўшимча таътил бериш, иш берувчи ташаббусига кўра меҳнат шартномасини бекор қилишда ходимга бериладиган кафолатлар тўғрисидаги нормалар киритилди.

Шунингдек, Меҳнат кодексининг 106-, 542-, 570-, 576 ², (иш ташлаш масалаларига оид), 572 ⁴- моддалари юзасидан бир қатор таклифлар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Меҳнат низолари билан боғлиқ низоларни қўллашда ягона суд амалиётига оид Пленуми қарори лойиҳасининг “Ишга тиклаш”, “Иш вақти” ва “Меҳнат таътиллари” бўлимлари Федерациянинг мутахассислари томонидан ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 1998 йил 17 апрелдаги 12-сонли “Судлар томонидан меҳнат шартномасини бекор қилишни тартибга солувчи қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги Пленум қарорига меҳнат қонунчилигини тўғри ва бир хил қўллаш борасида таклифлар киритилиб, улар инobatга олинди.

Касаба уюшмалари фаолиятининг кафолатларини янада мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги қонунига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 10 мартдаги 57-сонли қарорига ва мазкур қарор билан тасдиқланган “Нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида Низом”га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Қонун лойиҳалари ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун Адлия вазирлигига киритилди.

“Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддасида касаба уюшмаларини давлат рўйхатидан ўтказишда аъзолар сонига нисбатан қўйилган талабни камида уч минг нафар аъзодан 500 нафар аъзога камайтириш тўғрисида қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, тегишли вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига киритиш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилди ва бугунги кунда қонунчилик палатасида биринчи ўқишда қабул қилинди.

Касаба уюшмаларининг бошланғич ташкилотлари ва бўлинмаларининг банкда ҳисоб рақамини очиш соҳасидаги имкониятларини кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги Қонунига ҳамда Солиқ кодексига касаба уюшмаларининг юридик шахс мақомига эга бўлмаган бўлинмаларини адлия органларида ҳисобга қўйиш ва солиқ органлари томонидан уларга солиқ тўловчининг идентификация рақамини беришни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, 2024 йил 13 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланди.

Мазкур қонун ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 10 февралдаги 72-сонли қарори билан “Юридик шахс мақомига эга бўлмаган касаба уюшмаларининг бўлинмаларини ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилотларини ҳисобга қўйиш тартиби тўғрисидаги Низом” тасдиқланишига эришилди.

Тизимда амалда бўлган локал норматив ҳужжатларни қонунчиликка, шунингдек Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг янги таҳрирдаги уставига мувофиқлаштириш мақсадида “Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги Низом”, “Федерация ва ҳудудий кенгашларда хўжалик шартномалари тузиш тартиби”, “Иш берувчининг тақдимномасини касаба уюшмалари кенгашларида кўриб чиқиш тартиби”, “Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан жамоа шартномалари лойиҳаларини жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш, қабул қилинган жамоа шартномаларини рўйхатга олиш тартиби” ва “Жамоа келишувлари лойиҳаларини жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш тўғрисидаги Низом” янги таҳрирда тасдиқланди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг 2021-2025 йилларга мўлжалланган Стратегик йўналишларидан келиб чиқиб, Халқаро меҳнат ташкилотининг конвенцияларини ратификация қилиш юзасидан касаба уюшмаларининг таклифлари мутасадди ташкилотларга мунтазам равишда киритиб борилди.

Натижада, ҳисобот даврида Халқаро меҳнат ташкилотининг:

“Ишлаётган эркаклар ва аёллар учун тенг муносабатлар ва тенг имкониятлар: оилавий мажбуриятларга эга ходимлар тўғрисида”ги 156-сонли;

“Иш ҳақини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 95-сонли;

“Ҳақ тўланадиган таътиллар тўғрисида”ги 132-сонли;

“Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси ҳамда ишлаб чиқариш муҳити тўғрисида”ги 155-сонли;

“Ходимларни иш жойидаги ҳавонинг ифлосланиши, шовқин ва тебранишлар туфайли юзага келадиган касбий хавф-хатардан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 148-сонли;

“Тўлиқсиз иш вақти шароитларида ишлаш тўғрисида”ги 175-сонли;

“Қурилишда меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси тўғрисида”ги 167-сонли конвенциялари ратификация қилинишига эришилди.

“Энг кам иш ҳақини ўрнатиш тўғрисида”ги 131-сонли, “Касаначилик тўғрисида”ги 177-сонли, “Тадбиркор тўловга қобилиятсиз бўлган тақдирда меҳнаткашларнинг талабларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 173-сонли конвенцияларини ратификация қилиш юзасидан Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича уч томонлама комиссияга таклифлар киритилди.

“Ижтимоий таъминотнинг энг кам нормалари тўғрисида”ги 102-сонли, “Энг кам иш ҳақини ўрнатиш тўғрисида”ги 131-сонли, “Меҳнат соҳасида зўравонлик ва таъқибларни бартараф этиш тўғрисида”ги 190-сонли конвенциялар бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси қошида эшитувлар ва давра суҳбатлари, шунингдек Халқаро меҳнат ташкилоти экспертлари билан учрашувлар ўтказилди.

Халқаро меҳнат ташкилотининг “Иш ҳақини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 95-сонли конвенциясини тўлиқ амалиётга киритиш учун қонунчиликка ўзгартириш киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилиб, Вазирлар Маҳкамаси, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Иш берувчилар Конфедерациясига юборилди.

Шу билан бир қаторда, Халқаро меҳнат ташкилотининг 98-, 100-, 105-, 111-, 122-, 135-, 138-, 144-, 154-, 182-сонли конвенцияларининг бажарилиши ҳақида таҳлилий маълумотлар тайёрланиб, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигига тақдим этилди.

Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича тарғибот фаолиятини тубдан яхшилашга ҳар томонлама кўмаклашиш, ушбу йўналишда мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликни кучайтириш соҳасидаги ишлар тизимли равишда олиб борилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 8 майдаги “Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-67- сон Фармони ҳамда ушбу Фармон билан тасдиқланган “Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан келиб чиқадиган вазифаларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури” ижросида касаба уюшмаларининг фаол иштироки таъминланди.

Ўзбекистон Республикасининг янги Конституцияси, янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан 2024 йилнинг 10 июлидан 14 июлига қадар Халқаро меҳнат ташкилоти экспертлари иштирокида Федерация Меҳнат инспекцияси ходимларининг малака ва кўникмаларини ошириш бўйича ўқув (ёзги мактаб) ташкил этилди.

Бухоро, Қашқадарё, Навоий вилоятларида, Қўқон ва Тошкент шаҳарларида “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти тизимидаги 42 та корхона, ташкилот ва муассасада янги таҳрирдаги Ўзбекистон

Республикаси Конституцияси ва янги таҳрирдаги Меҳнат кодексининг мазмун-моҳияти ҳамда аҳамияти юзасидан тарғиботлар, учрашувлар, ўқув-семинарлари ўтказилиб, уларга жами 5 минг нафардан зиёд ходимлар жалб этилди. Ўтказилган тадбирларнинг 20 дан ортиғи оммавий ахборот воситалари, интернет тармоқлари, матбуот орқали ёритилди.

Умуман, янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчиликка етказиш ҳамда тушунтириш мақсадида республика бўйича жами 900 га яқин йирик корхона ва ташкилотларда ишловчи 100 минг нафардан зиёд ходимлар ўртасида тарғибот ишлари амалга оширилди, оммавий-ахборот воситаларида 78 марта касаба уюшмалари малакали мутахассисларининг чиқишлари ташкил қилинди, веб-сайт ва интернет тармоқларида 125 та материаллар жойлаштирилди.

“Хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлари ҳамда имкониятлари кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги 2022 йил 15 декабрдаги ЎРҚ 809-сон Қонун юзасидан тарғибот-тушунтириш ишларини ташкил қилиш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Меҳнат инспекцияси, Адлия вазирлиги ҳамда Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида тарғибот тадбирлари режа-жадвали ишлаб чиқилиб, амалга оширилди.

“Индорама Агро” чет эл корхонасида кадрлар бўйича менежерлар билан “Ходимлар ва иш берувчининг меҳнат муносабатларидаги ҳуқуқ ва бурчлари” мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.

Адлия вазирлигининг Юристар малакасини ошириш маркази, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг Малака ошириш маркази ҳамда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг Малака ошириш нодавлат нотижорат муассасаси билан ҳамкорликда жами 180 соатлик семинар-тренинг машғулотлари ташкил қилинди.

Касаба уюшмалари инспекторлари томонидан ходимлар билим ва кўникмаларини ошириш мақсадида корхона, ташкилот ва муассасалардаги касаба уюшмалари фаоллари иштирокида 4 минг 860 та ўқув, тарғибот тадбирлари, семинар ва вебинарлар уюштирилиб, уларда касаба уюшмалари инспекцияларининг фаолияти ва келгусидаги вазифаларига оид маъруза ва амалий машғулотлар ўтказилди.

Тошкент давлат юридик университети ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида Меморандум асосида университетнинг меҳнат ҳуқуқи кафедраси ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Меҳнат инспекцияси ўртасида 2022 йилда ҳамкорлик шартномаси имзоланди.

Ушбу ҳамкорлик шартномаси ижросини таъминлаш доирасида, талабаларининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, улар ўртасида халқаро ва миллий меҳнат стандартларининг моҳиятини тарғиб қилиш, шу орқали фаол фуқаролик позициясига эга бўлган авлодни тарбиялашга ҳисса қўшиш мақсадида, Республикадаги олий таълим муассасалари талабалари ўртасида “Меҳнат ҳуқуқи ёшлар нигоҳида” танлови ўтказилди. Танлов ғолиблари ҳамда

Республика босқичи иштирокчиларига дипломлар ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг қимматбаҳо совғалари топширилди.

Шунингдек, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ходимларнинг меҳнат соҳасидаги ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси масалаларида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида Меморандум имзоланиб, унда кўрсатилган йўналишлар амалга оширилмоқда.

Янги Меҳнат кодекси моҳиятини тушунтириш бўйича Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Фарғона, Андижон ва Наманган вилоят кенгашларида семинар-тренинглари ўтказилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг айрим моддаларини амалиётда қўллаш бўйича ўқув-услубий қўлланма ишлаб чиқилиб, тизимидаги ташкилотларига етказиш ва амалиётда қўллаш учун барча вазирлик, идораларга юборилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги янги қонунидан келиб чиқиб Федерация меҳнат инспекциясининг тикланиши ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этилиши устидан касаба уюшмаларининг жамоатчилик назоратини янада юқори босқичга олиб чиқиш учун замин яратди.

Инспекция ташкил этилган вақтдан бошлаб уни малакали кадрлар билан таъминлашга қаратилган тизимли ишлар ташкил қилинди, натижада 2020 йилда Федерация тизимида 50 нафарга яқин инспекторлар фаолият кўрсатган бўлса, бугунги кунга келиб уларнинг сони 120 нафардан ошди.

2021 йилда касаба уюшмаларининг инспекциялари, инспекторларнинг асосий вазифа ва функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, “Касаба уюшмаларининг инспекциялари, инспекторлар учун фаолиятни тўғри ва самарали ташкил этиш бўйича қўлланма” ишлаб чиқилиб, жойларга етказилди. Малакаси, кўникмалари ва профессионаллик даражасини баҳолаш мақсадида меҳнат ҳуқуқ ва техник инспекторлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ходимлари аттестациядан ўтказилди.

Ҳисобот даврида касаба уюшмаларининг инспекторлари томонидан 13 минг 16 та ташкилотда ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга риоя этилиши устидан жамоатчилик назорати амалга оширилиб, 45 минг 725 та камчилик аниқланди.

Мавжуд ҳолатлар тўғрисида иш берувчиларга 8 минг 135 та кўрсатма киритилиб, 38 минг 841 та камчилик бартараф этилишига эришилди. Жамоатчилик назорати натижасида 478 минг 669 нафар шахсларнинг ҳуқуқлари тикланди ва ходимлар фойдасига 267 млрд. 327 млн. 100 минг сўм ундирилишига эришилди.

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда Иш берувчилар Конфедерацияси билан биргаликда тасдиқланган “Ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминланиши ва муносиб меҳнат шароитлари яратилишини мониторинг қилиб бориш режаси” асосида жойларда ҳар ойда тегишли тармоқларда жамоат назорати олиб борилиши, ўрганишлар ташкил этилиши йўлга қўйилди.

Жумладан, 2022 йилда “Ўзсувтаъминот” акциядорлик жамияти тизимидаги 135 та ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга риоя этилиши ҳолати жамоатчилик назорати доирасида ўрганилиб, 798 та камчилик аниқланди, иш берувчиларга киритилган 59 та кўрсатмаларнинг бажарилиши натижасида 764 таси бартараф этилишига эришилди.

Шунингдек, қурилиш тармоғидаги 57 та объектда ходимларга яратилган меҳнат шароитлари, ходимларнинг дастлабки ва кейинчалик вақти-вақти билан тиббий кўриқдан ўтказилиши, иш берувчи фуқаролик жавобгарлигининг мажбурий суғурта қилиниши, кириш ва иш жойида йўриқдан ўтказиш, иш ва касб турлари бўйича йўриқномалар ишлаб чиқиши ва уларни тарқатиш китобларининг олиб борилиши каби масалалар юзасидан аниқланган 254 та камчиликлар бўйича иш берувчиларга 34 та кўрсатмалар киритилиб, 194 таси тугатилди.

2023 йилда “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти тизимидаги 107 та, Андижон вилоятидаги 50 та, таълим тармоғига мансуб 237 та корхона ва ташкилотда жамоатчилик назорати ўтказилиб, жами 299 та иш берувчиларга 1 минг 512 та талабдан иборат ёзма кўрсатмалар киритилди ҳамда аксарият камчиликлар бартараф этилишига эришилди.

2024 йилда ўрганилган жами 4 минг 397 та ташкилотнинг 147 тасида жамоатчилик назорати “Ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминланиши ва муносиб меҳнат шароитлари яратилишини мониторинг қилиб бориш режаси” асосида ташкил этилди.

Касаба уюшмалари органларига юридик ва жисмоний шахслардан тушган мурожаатларни кўриб чиқиш асносида уларда кўтарилган масалалар ҳал этилишини таъминлаш жамоатчилик назоратининг самарали шаклларида бирига айланмоқда.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида 2021 йилда Федерация Меҳнат инспекцияси қошида Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш шубҳаси ташкил этилиб, унинг ходимлари томонидан фуқароларни ва юридик шахслар вакиллари бевосита қабул қилиш, ёзма мурожаатларни, Федерация веб-ресурслари орқали юборилган электрон мурожаатларни, шунингдек, “Call center” ва “Телеграм” ижтимоий тармоғига (@kasaba_bot), www.murojaat.kasaba.uz манзилли дастурий таъминот орқали келиб тушган мурожаатларни кўриб чиқиши йўлга қўйилди.

Бу эса "бир мурожаат - бир натижа" тамойили бўйича ишларни янада кучайтириш, ҳар бир мурожаат ўрнатилган тартибда ва белгиланган муддатларда кўриб чиқилиши устидан тизимли мониторинг ўрнатиш имкониятини яратди.

Ҳисобот даврида касаба уюшмалари ташкилотларига келиб тушган 27 минг 387 та мурожаат кўриб чиқилиши натижаларига кўра жами 32 минг 651 нафар шахснинг ҳуқуқлари тикланиб, ходимлар фойдасига 105 млрд. 909 млн. 100 минг сўм маблағ ундирилишига эришилди.

Федерациянинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар Кенгашларида фаолият олиб бораётган меҳнат техник ҳамда меҳнат ҳуқуқ инспекторлари пахта йиғим-терими мавсумида теримчилар учун шарт-шароит яратилиши, болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатдан фойдаланмаслик бўйича Миллий мониторингда фаол иштирок этиб келмоқда.

Шу билан бирга, пахта йиғим-терими мавсумида мажбурий меҳнат ва болалар меҳнати олдани олиш, унга йўл қўймаслик мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Юридик клиникаси негизидаги Қайта алоқа механизми туну-кун узлуксиз режимда ишлаши ташкил қилинмоқда.

2021-2025 йиллар пахта йиғим-терими мавсумларида Миллий мониторинг давомида касаба уюшмалари инспекторлари ва Ишчи гуруҳларга тушган мурожаатларни кўриб чиқиш натижалари бўйича жами 8 минг 983 нафар теримчига 14 млрд. 859 млн. 700 минг сўмдан ортиқ терим пуллари ундириб берилди.

Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича республика ва ҳудудий уч томонлама комиссиялар ишини жонлантиришга, уларни ижтимоий-меҳнат соҳасидаги давлат сиёсатини шакллантиришга таъсир кўрсата оладиган ҳақиқий кучга айлантиришга кўмаклашиш ҳисобот даврида касаба уюшмалари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири бўлди.

Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича уч томонлама комиссиянинг мажлислари мунтазам равишда ўтказилиб, уларда ижтимоий-меҳнат соҳасига оид муҳим масалалар муҳокама этилди.

Жумладан, 2021 йилда комиссиянинг 3 та мажлиси ўтказилиб, уларда 2020-2022 йиллар учун Бош келишувнинг 2020 йилдаги ижроси, Халқаро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган "2014-2020 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасида муносиб меҳнат бўйича мамлакат дастури"нинг асосий кўрсаткичлари, 2021 йилга мўлжалланган иш режаси, "2021 йил пахта ҳосилини нест-нобуд қилмасдан уюшқоқлик билан йиғиб-териб олишни ташкил этиш бўйича Тавсиялар" ҳамда "Мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатига йўл қўймаслик борасида олиб бориладиган мониторинглар ўтказиш тартиби тўғрисида вақтинчалик Низом", 2022 йилда ўтказилган комиссия йиғилишларида 2020-2022 йиллар учун Бош келишувининг 2021 йилдаги ижроси, комиссиянинг 2022 йилга мўлжалланган иш режаси тўғрисидаги масалалар муҳокама қилиниб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

2023 йилда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раислигида комиссиянинг 3 та мажлиси ўтказилди. Уларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Ўзбекистон Иш берувчилари Конфедерацияси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича 2020-2022 йиллар учун Бош келишувнинг 2022 йилдаги ижроси, комиссиясининг 2023 йил учун иш режаси, шахсий таркиби, котибияти ва доимий ишчи гуруҳлари, регламенти муҳокама қилиниб тасдиқланди.

Шунингдек, Ўзбекистонда муносиб меҳнат бўйича мамлакат дастурини амалиётга татбиқ қилиш чора-тадбирлари режасининг ижроси, Норасмий иқтисодиёт ва бандликнинг тарқалиши кўламини, шакллари ва ҳаракатлантирувчи омилларини гендер нуқтаи назаридан тадқиқ қилиш натижалари, Янги таҳрирдаги Меҳнат кодексини амалиётга қўллаш борасида тушунтириш ишларининг олиб борилиши, 2023 йилги пахта йиғим-терими мавсумини ташкил қилиш тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди.

2024 йилда Комиссиянинг 5 та мажлиси ўтказилиб, уларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ва Ўзбекистон Иш берувчилари Конфедерацияси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича 2023-2025 йиллар учун Бош жамоа келишувининг 2023 йилдаги ижроси, Доимий асосда фаолият кўрсатувчи меҳнат арбитражи, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг айрим моддаларини амалиётга қўллаш бўйича ўқув-услубий қўлланма, 2024 йил пахта ҳосилини нес-нобуд қилмасдан уюшқоқлик билан йиғиб-териб олишда фуқароларнинг ихтиёрий иштирок этишлари ва мавсум давомида мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик юзасидан вазифалар, Иқтисодиёт тармоқларида муносиб меҳнат тамойиллари жорий этилганлиги юзасидан мониторинг ишларини ташкил этиш, Мавсумий ишларни бажариш тўғрисидаги меҳнат шартномаларининг намунавий шакли, Миллий қонунчиликни ХМТнинг 102-, 131-, 155-, 161-, 173-, 183-, 184-, 190- сонли конвенциялари ва 202-, 204- ва 206-сонли тавсиялари талабларига тўлиқ мослаштириш бўйича "Йўл харитаси" ва бошқа масалалар муҳокама қилиниб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

2025 йил 12 февралда ўтказилган комиссиясининг мажлисида 2025 йилга мўлжалланган иш режаси, 2023-2025 йиллар учун Бош жамоа келишувининг 2024 йилдаги ижроси ва 2026-2028 йиллар учун Бош жамоа келишуви лойиҳасини ишлаб чиқиш, Халқаро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорликдаги "2021-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистонда муносиб меҳнат бўйича Мамлакат дастури"ни амалиётга татбиқ этиш юзасидан 2024-2025 йилларга мўлжалланган "Йўл харитаси" ижроси, "Ўзбекистонда муносиб меҳнат бўйича 2026-2030 йилларга мўлжалланган мамлакат дастури" лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳ таркиби тўғрисидаги ва яна бошқа муҳим масалалар кўриб чиқилди.

Шунингдек, Республика уч томонлама комиссияси фаолияти доирасида 2025 йил 15-18 июнь кунлари Корея Иқтисодий, ижтимоий ва меҳнат кенгаши раиси Ги-Сеоб Квон бошчилигидаги делегациянинг Ўзбекистонга ташрифи ташкил этилди.

Ташриф давомида:

Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича республика уч томонлама комиссияси ҳамда Корея Иқтисодий, ижтимоий ва меҳнат кенгаши раҳбарларининг юқори даражадаги учрашуви;

Корея Иқтисодий, ижтимоий ва меҳнат кенгаши ҳамда Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича республика уч томонлама комиссияси ўртасида ўзаро англашув Меморандумини имзолаш маросими;

“Ижтимоий мулоқотни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш” мавзусида Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича республика уч томонлама комиссияси ҳамда Корея Иқтисодий, ижтимоий ва меҳнат кенгаши аъзолари учун кўшма семинар ўтказилди.

Шунингдек, ташриф дастури ва алоҳида дастурлар асосида Корея делегацияси аъзоларининг Тошкент шаҳри, Самарқанд ва Тошкент вилоятларидаги касаба уюшмаси ташкилотларига ташрифлари, Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича ҳудудий комиссиялар вакиллари билан учрашувлари ҳамда ушбу ҳудудларнинг диққатга сазовор ва тарихий масканларига саёҳатлари уюштирилди.

Шаклланган анъанага кўра ҳисобот даврида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан долзарб ижтимоий-иқтисодий масалаларни муҳокама қилиш учун Ҳукумат, вазирликлар, идоралар, иш берувчилар вакиллари ҳамда касаба уюшмалари фаоллари билан бевосита очиқ мулоқот ва жамоатчилик эшитуви шаклида “Меҳнат соҳасидаги муҳим аҳамиятга молик масалалар” мавзуидаги давра суҳбатлари мунтазам равишда ўтказиб келинди.

Мазкур тадбирларда ҳудуд ва тармоқ даражасида олти юзга яқин масалалар жойлардаги мутасадди ташкилотлар вакиллари иштирокида, икки юздан ортиқ масалалар республика миқёсидаги тегишли вазирлик ҳамда идоралар вакиллари билан биргаликда муҳокама қилиниб, уларнинг ечими топилишига эришилди.

Бош жамоа келишуви ва тармоқ келишувларини меъёрий жиҳатдан мустаҳкамлаш, меҳнаткашларнинг жамоа келишувлари ва шартномалари билан қамраб олинишини кенгайтириш ишлари изчиллик билан давом эттирилди.

Ҳисобот даврида 2020-2022 йиллар ва 2023-2025 йиллар учун имзоланган Бош жамоа келишувлари орқали, ижтимоий шериклик асосида, ижтимоий-меҳнат соҳасидаги бир қатор масалаларнинг ечими топилишига эришилди.

Бош жамоа келишуви асосида тузилган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри миқёсидаги 14 та ҳудудий жамоа келишувлари, республика миқёсидаги 103 та тармоқ жамоа келишувлари бугунги кунда ходимлар учун ижтимоий кафолатлар кўламини янада кенгайтиришнинг муҳим ва ишончли механизми бўлиб хизмат қилмоқда.

Худудий-тармоқ келишувларини тузиш амалиётини тиклаш бўйича Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг VIII Қурултойида белгиланган вазифалар ижросига алоҳида эътибор қаратилди. Натижада, 2021 йил якуни бўйича тармоқ касаба уюшмаларининг худудий бўлинмалари томонидан 354 та худудий-тармоқ келишувлари имзоланган бўлса, 2025 йилга келиб уларнинг сони 540 тадан ошди.

2021 йил 1 январь ҳолатига касаба уюшмалари хизматига юридик шахсларда қабул қилинган 109 минг 469 та жамоа шартномалари билан 4 млн. 372 минг нафар ходимларнинг манфаатлари қамраб олинган бўлса 2025 йил 1 январга келиб юридик шахсларда имзоланган жамоа шартномалари сони 127 мингдан ошди ва мазкур жамоа шартномалари билан 5 млн. 540 минг нафар ходимлар қамраб олиншига эришилди.

Бугунги кунда жамоа шартномалари ходимлар учун бандлик ва муносиб меҳнат кафолатларини белгилаш, иш ҳақи миқдорини оширишнинг самарали воситасига айланган.

Тузилган жамоа шартномаларининг барчасида ходим билан меҳнат шартномасини иш берувчи ташаббусига кўра бекор қилишдан олдин касаба уюшма кўмитасининг розилигини албатта олиш талаби киритилган.

2024 йил якунларига кўра республика бўйича 32 минг 251 та корхона ва ташкилотда жамоа шартномалари асосида ягона тариф сеткасида белгиланган разрядлар коэффиценти кўтарилган бўлиб, бу орқали 1 млн. 342 минг нафар ходимнинг иш ҳақлари оширилишига эришилган, бу эса жамоа-шартномавий муносабатлар билан қамраб олинган жами ходимларнинг 24,2 фоизини ташкил этади.

1 млн. 978 минг 614 нафар ходимлар меҳнат қилаётган 27 минг 246 та ташкилотда, жамоа шартномалари асосида, ходимларнинг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) касаба уюшмаси кўмитаси иштирокида белгилаб келинмоқда.

Жамоа шартномалари орқали 101 минг 159 нафар ходимга тўлиқсиз иш вақти шароитида ишлаш, 2 млн. 635 минг нафар ходимга асосий узайтирилган, 4 млн. 257 минг нафар ходимга эса йиллик кўшимча таътиллاردан фойдаланиш имконияти яратилган.

Шунингдек, 80 мингдан зиёд ташкилотда жамоа шартномалари асосида ижтимоий таътиллار белгиланган ва улардан фойдаланган ходимлар сони қарийб 2,5 млн. нафарни ташкил этади, 59 минг 633 та ташкилотда жамоа шартномаларига биноан ҳар йилги кўшимча меҳнат таътили олиш ҳуқуқини берувчи иш стажига бошқа иш берувчидаги ёхуд бошқа тармоқдаги иш стажини киритиш белгиланган бўлиб, бу имтиёздан 1 млн. 364 минг нафар ходим фойдаланмоқда, 90 минг 918 та жамоа шартномаларида ходимлар ишга жалб этиладиган дам олиш ва ишланмайдиган байрам кунларининг сони чекланган.

Таҳлилларга кўра, жамоа шартномаларида ходимлар учун кўшимча имтиёзлар киритилиши натижасида, 2025 йил 1 январь ҳолатига жамоа шартномаси тадбирларини бажариш учун республика бўйича ўрта ҳисобда бир

ходимга йил давомида сарфланган маблағ 10 млн. 89 минг сўмни ташкил этиб, 2021 йилга нисбатан 2 баробарга ортган.

Ижтимоий шериклик асосида олиб борилган ишлар натижасида жамоа шартномаларида қабул қилинган жами бандлар 91,0 фоизга бажарилишига эришилган. Жумладан, бу кўрсаткич давлат корхона, ташкилот ва муассасаларида – 95,6 фоиз, хусусий корхоналарда – 96,1 фоиз, чет эл сармояси иштирокидаги корхоналарда – 96,4 фоиз, масъулияти чекланган жамиятларда – 97,1 фоиз, акциядорлик жамиятларида – 96,5, бошқа мулкчилик шаклларида – 95,9 фоиз ва фермер хўжаликларида – 87,7 фоизни ташкил этди.

Ҳисобот даврида барча жамоа шартномалари ва келишувлари сифатини ошириш, ягона музокара жараёни қоидаларига биноан тармоқ (тариф) келишувлари ва жамоа шартномалари тузилишининг кетма-кетлигига қатъий риоя этилиши устидан таъсирчан назорат олиб борилди.

Қабул қилинадиган жамоа шартномалари лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва мавжудларига ўзгартириш киритишда фойдаланиш учун, Янги меҳнат кодекси нормаларини инobatга олган ҳолда, Федерация томонидан жамоа шартномасининг умумий макети ва Республика кенгашлари томонидан тармоқ макетлари ишлаб чиқилди ҳамда “Ишонч”, “Ишонч-Доверие” газеталарида чоп этилиб, Федерациянинг веб-портали, тегишли касаба уюшмалари Республика кенгашларининг ва Федерация ҳудудий Кенгашларининг веб-сайтларига жойлаштирилди.

2023-2024 йиллар давомида барча жамоа шартномалари, тармоқ ва ҳудудий жамоа келишувларидаги ходимларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга оид нормалар янги Меҳнат кодекси ва Бош жамоа келишуви талабларидан келиб чиққан ҳолда қайта кўриб чиқилиб, аксарияти янгидан қабул қилинди ва айримларига ўзгартириш, қўшимчалар киритилди.

Федерация қошида тузилган жамоа шартномалари ва келишувлари лойиҳасини жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш бўйича эксперт комиссияси томонидан ҳисобот даврида 237 та тармоқ, ҳудудий жамоа келишувлари ҳамда 53 та жамоа шартномалари лойиҳалари кўриб чиқилди ва хулосалар берилди.

Тасдиқланган жадвалга биноан Федерация аппарати ходимлари, тармоқ касаба уюшмалари раис ва раис ўринбосарлари 327 та корхона ва ташкилотларда жамоа шартномасининг йил якуни бўйича бажарилишини муҳокама этишга бағишланган умумий йиғилиш (конференция)ларни тайёрлаш ва ўтказишда иштирок этдилар.

2024 йилда ўтказилган умумий йиғилиш (конференция)ларнинг 77 фоизиди, 2025 йилда эса 54 фоизиди юқори касаба уюшмаси органлари, яъни Федерация, касаба уюшмаларининг Республика кенгашлари ва ҳудудий бўлинмалари вакилларининг иштироки таъминланди.

Марказий Осиё мамлакатлари касаба уюшмалари кенгаши ташаббуси билан таъсис этилган “Энг яхши жамоа шартномаси – 2023” кўрик-танловида Ўзбекистон касаба уюшмалари вакилларининг ҳам иштирокини таъминлаш

мақсадида Федерацияга аъзо ташкилотлар миқёсида “Энг яхши жамоа шартномаси – 2023” танлови ўтказилди. Унда 1-ўринни қўлга киритган “Термиз дарё порти” масъулияти чекланган жамияти бошланғич ташкилоти раиси Э.Калимулина 2023 йилнинг 17 октябрь куни Қозоғистон Республикасининг Чимкент шаҳрида бўлиб ўтган тадбирлар доирасида Марказий Осиё мамлакатлари касаба уюшмалари Кенгаши томонидан тантанали равишда тақдирланди.

Касаба уюшмалари меҳнатга ҳақ тўлашнинг тариф тизимини кенг жорий этиш, иш ҳақи фондининг асосий ва қўшимча қисмлари ўртасида мақбул мувозанатни ўрнатиш, иш берувчилар тўловга лаёқатсиз бўлган тақдирда иш ҳақини ҳимоя қилиш ва иш ҳақи ҳисобига яширин тўловларга қарши туриш талабини қўйиб келмоқда.

Ушбу чора-тадбирларни амалга ошириш учун Федерациянинг фаол иштирокида ХМТнинг 95-сонли “Иш ҳақини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Конвенцияси ратификация қилинди.

Барча ҳудудларда иш берувчилар томонидан ходимларга тўланадиган иш ҳақи уларнинг малакасига мувофиқлиги назорати олиб борилмоқда.

Ҳисобот даврида касаба уюшмалари томонидан 36 мингдан зиёд корхона, ташкилот ва муассасада иш берувчилар томонидан энг кам иш ҳақи меъёрларига риоя этилиши ҳолати ўрганилди ва қонун бузилиши ҳолатлари бартараф этилди.

2021-2025 йиллар мобайнида иш берувчиларга, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига, банкларга, ҳуқуқий инспекцияларга, прокуратура ва суд органларига 974 та мурожаат киритилиб, 769 миллиард сўмдан ортиқ иш ҳақи ундирилишига эришилди.

Шунингдек, ҳисобот даврида Федерациянинг ҳудудий Кенгашлари ва тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашлари томонидан 26 минг 362 та корхона, ташкилот ва муассасада ходимларга тўланаётган иш ҳақи уларнинг малака даражасига мувофиқлиги бўйича мониторинглар ўтказилди. Унинг натижаларига кўра 91 та ҳолатда ходимнинг малака разряди классификаторда ўрнатилганидан пастлиги аниқланиб, туман адлия органлари ва касаба уюшмалари томонидан киритилган тақдимномаларга асосан 101 нафар ходимларга 4 млрд. 562 млн. сўм ундириб берилди.

Касаба уюшмаларининг саъй-ҳаракатлари билан 31 нафар ходимнинг меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича разрядлари оширилишига ва қўшимча 52,1 млн. сўм тўлаб берилишига, 124 нафар ходимнинг ойлик иш ҳақлари қайта ҳисоб-китоб қилиниб, уларга қўшимча равишда 31 млн. 154 минг сўм тўлаб берилишига эришилди.

Федерация, унга аъзо ташкилотлар меҳнат бозорида фаол сиёсат юритиш, муносиб иш ҳақи ва хавфсиз меҳнат шароитларини таъминловчи барқарор иш ўринларини барпо этиш, яратилган янги иш ўринларига қабул қилинган фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш борасида Ҳукуматга кўмаклашиб келмоқдалар.

2021-2025 йилларда касаба уюшмалари республика бўйича жами 13 минг 73 мартаба “Бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлар ярмаркалари”да иштирок этишди, уларда 330 минг 489 та корхона ва ташкилотлар ўзларида мавжуд 2 млн. 725 минг 167 та бўш иш ўринлари билан қатнашдилар. Ярмаркаларга жалб қилинган 886 минг 627 нафар фуқароларнинг 266 минг 376 нафарига ишга жойлашиш учун йўлланмалар берилди.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топишда қийналадиган шахслар учун банд қилиб (квоталаштириб) қўйилган иш ўринларига фуқароларнинг ишга қабул қилиниши бўйича касаба уюшмалари ва ҳудудий Бандлик бош бошқармалари ўртасида ахборот алмашиш йўлга қўйилиб, ҳар ой якуни бўйича банд қилинган (квота) иш ўринлари топшириғининг йўналишлар бўйича бажарилиши таҳлил қилинмоқда.

Ҳисобот даврида 256 минг 259 нафар ана шу тоифадаги фуқаролар, шу жумладан 10 минг 203 нафар ногиронлиги бор шахсларнинг ишга жойлаштирилиши касаба уюшма кўмиталари томонидан жамоатчилик назоратига олинди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Ижроия кўмитасининг қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан касаба уюшмалари томонидан иш ўринлари яратишнинг манзилли дастури”га мувофиқ касаба уюшмалари Республика кенгашлари, Федерациянинг ҳудудий Кенгашлари томонидан 847 та янги иш ўринлари яратилиб, уларга кам таъминланган, ишсиз фуқаролар ишга қабул қилинди. Янги иш ўринларини яратишга касаба уюшмалари ташкилотлари томонидан 4 млрд. 679,3 млн. сўм маблағ сарфланди.

Сўнгги йилларда норасмий ва ностандарт банд ходимлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг фаоллиги сезиларли даражада ошди.

Ҳисобот даврида касаба уюшмалари томонидан шакллантирилган рўйхатга киритилган аҳолининг кам таъминланган қатламларига мансуб фуқаролардан 800 нафарга яқини махсус иқтисодий зоналардаги корхоналарга ишга жойлаштирилди.

2023 йилда Халқаро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикасида “Норасмий иқтисодиётдан расмий иқтисодиётга ўтиш” лойиҳаси амалга оширилди.

Ижтимоий шериклар билан ҳамкорликда бандликнинг беқарор турларида ишлаётган фуқароларнинг ҳуқуқлари таъминланишига, хусусий бандлик агентликлари фаолияти устидан давлат ва жамоатчилик назоратининг йўлга қўйилишига доир чоралар кўрилди.

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ва унинг жойлардаги органлари, шунингдек давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари кўмагида туман ва шаҳарларда меҳнат соҳасидаги янги жараёнлар, норасмий бандлик, ҳақ тўланадиган жамоат ишларининг мониторинги олиб борилди. Шу билан

бирга, Федерацияга аъзо тармоқ касаба уюшмалари томонидан ҳам корхона, ташкилотларда бандликнинг ностандарт турлари мониторинги ўтказилди.

Ходимларнинг меҳнат муҳофазасига доир қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида касаба уюшмаларига берилган ваколатлар доирасида корхона, ташкилот ва муассасаларда ўрганишлар ўтказилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилди.

Ҳисобот даврида 5 минг 850 та корхона ва ташкилотларда меҳнат муҳофазаси ҳолати ўрганилиб, ушбу жараёнда аниқланган 21 минг 346 та ҳолатлар бўйича иш берувчиларга 2 минг 762 та тақдимномалар киритилди ва камчиликларнинг аксарияти бартараф этилишига эришилди.

Шу давр мобайнида ишлаб чиқаришда жароҳат олган ходимлар ва боқувчисини йўқотган 1 минг 482 та оилаларга ҳуқуқий маслаҳатлар берилди. Касаба уюшмалари аъзоларининг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида 205 мартаба судга мурожаат этилди.

Касаба уюшмалари вакиллари ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни текшириш комиссиялари ишларида 175, касб касалликларини текшириш ишларида 38, тиббий-меҳнат эксперт комиссияси мажлисларида 26 мартаба иштирок этишди.

Бундан ташқари, меҳнат муҳофазаси хизмати ходимлари ишлаб чиқариш объектларини ва ишлаб чиқариш воситаларини синаш ҳамда фойдаланишга қабул қилиш бўйича комиссиялар ишида мустақил эксперт сифатида 197, иш ўринларини меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказиш комиссиялари ишида 116, меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлигига оид масалалардаги билимлар синовии комиссиялари ишида 668 мартаба қатнашди.

655 минг 799 нафар аёллар меҳнат қилаётган 5 минг 762 та корхона, ташкилот ва муассасаларда хотин-қизлар ва касб-ҳунар коллежлари битирувчилари учун ташкил этилаётган иш ўринларида меҳнат шароитлари яратилиши ҳолати ўрганилиб, аниқланган камчиликлар юзасидан иш берувчиларга 9 минг 773 банддан иборат таклифлар ва 2 минг 380 та тақдимномалар киритилди.

Ҳисобот даврида корхона, ташкилот ва муассасаларнинг жамоа шартномаларида меҳнат муҳофазасига оид 1 млн. 460 минг 330 та тадбирлар, уларнинг бажарилиши учун иш берувчилар томонидан қарийб 987 млрд. сўм маблағ ажратилиши режалаштирилиб, амалда тадбирларнинг 1 млн. 389 минг 477 таси бажарилишига, ушбу мақсадлар учун жами 767 млрд. сўмдан ортиқ маблағ иш берувчилар томонидан молиялаштирилишига эришилди.

Касаба уюшмаси ташкилоти тузилган корхоналарда ходимлар меҳнат шартномаси тузиш чоғида дастлабки тарзда ва кейинчалик (иш давомида) вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтказилиш ҳолати мунтазам равишда мониторинг қилиб борилди.

Уларнинг натижаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2012 йил 29 августда 2387-сон билан рўйхатга олинган Низомга асосан иш берувчи томонидан тиббий кўрикдан ўтказилиши шарт бўлган

ходимларнинг лавозими бўйича контингенти аниқланган ташкилотлар сони 61 минг 548 тани ташкил этди.

Ходимларни тиббий кўриқдан ўтказиш учун далолатнома тузган ташкилотлар сони 52 минг 576 тани, уларда тиббий кўриқдан ўтказилган ходимлар сони жами 5 млн. 664 минг 286 нафарни, шундан 516 нафари ўн саккиз ёшга тўлмаганларни, 142 минг 175 нафари олти ёшга тўлган эркаклар ва эллик беш ёшга тўлган аёлларни, 29 минг 44 нафари ногиронлиги бўлган шахсларни ташкил қилди.

Зарарли омиллари мавжуд бўлган 2 минг 214 та корхона ва ташкилотлардан 1 минг 630 тасида 109 минг 460 та иш ўринлари меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги бўйича аттестациядан ўтказилишига эришилди.

Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида иш берувчилар ва касаба уюшмалари ҳамкорлигида олиб борилган ишлар натижасида ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар сони бирмунча камайди.

Хусусан, касаба уюшмалари ташкилотлари тузилган корхона, ташкилот ва муассасаларда юз берган ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар сони 2021 йилда 203 та, 2022 йилда 208 та, 2023 йилда 193 та ва 2024 йилда 177 та, 2025 йилнинг 6 ойида 87 тага тенг бўлди.

Ҳисобот даврида ишлаб чиқаришда содир бўлган жами 868 та бахтсиз ҳодисанинг 257 таси оқибат ўлим билан тугаган, 525 таси – оқибати оғир, 92 таси – оқибат енгил, 78 таси гуруҳий бахтсиз ҳодисаларни ташкил этди. Ушбу ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар оқибатида 274 нафар ходим ҳалок бўлган, 602 нафари оғир, 123 нафари енгил жароҳатланган, 78 та гуруҳий бахтсиз ҳодисада жами 207 нафар ходим жабрланган.

Қайд этилган ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида касаба уюшмалари ва иш берувчиларнинг меҳнат муҳофазаси учун масъул мутахассислари малакасини ошириш, меҳнат муҳофазаси соҳасида ишлар намунали ташкил этилган корхона, ташкилотлар ҳамда мутахассисларни рағбатлантириш ишлари амалга оширилди.

Хусусан, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан “Ўзбекистон Республикасининг меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлигига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами”, шунингдек 10 га яқин қўлланмалар ишлаб чиқилиб, 100 дан зиёд турдаги ахборот-тушунтириш материаллари (маърузалар тўплами, тақдимот материаллари, флаер, буклет) чоп этилди ва бошланғич касаба уюшма ташкилотларига тарқатилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ва Халқаро меҳнат ташкилоти ҳамкорлигида ўзбек, рус ва инглиз тилларида “Яшил иш ўринларини яратиш орқали экологик барқарор иқтисодиётга адолатли ўтиш бўйича касаба уюшмалари стратегияси” ишлаб чиқилди ҳамда 200 нусхада чоп этилиб, тармоқ ва ҳудудий касаба уюшмалари мутахассислари ҳамда ижтимоий шерикларга амалда фойдаланиш учун етказилди.

Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида касаба уюшмалари ва мутасадди ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорлик сезиларли даражада кучайтирилишига эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Саноат хавфсизлиги Давлат қўмитаси, Иш берувчилар Конфедерацияси билан ҳамкорликда “Jizzakh Petroleum” МЧЖ, “Enter Engineering Pte Ltd”, “Ўзбекистон Оперейтинг Компани” МЧЖ, “Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи”, “Ўзтрансгаз” АЖ, “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ, “Навоийуран” ДК, “Ўзбекнефтегаз бурғулаш ишлари” МЧЖ, “Ўзбекнефтгаз” АЖ каби йирик ҳамда 40 га яқин кичик ташкилотларнинг муҳандис-техник ва раҳбар ходимлари учун меҳнат муҳофазаси масалалари мавзусида 50 га яқин ўқув-семинарлар, тренинглар, видеоконференцалоқа тарзидаги учрашувларда маърузалар қилинди.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида 39 та ташкилот фаолияти ўрганилиб, айрим ташкилотларда, айниқса туман тиббиёт бирлашмалари ва уларга қарашли оилавий поликлиникаларда, умумтаълим мактабларида ходимлар иш давомида ўзлари ҳисобидан қайтадан тиббий кўриқдан ўтиб келаётгани аниқланди. Ўрганишлар натижалари бўйича мутасаддиларга, “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 24-моддаси ҳамда Меҳнат Кодексининг 214-моддасига мувофиқ ходимлар чиқимдор бўлмаган ҳолда тиббий кўриқдан ўтказилишини таъминлаш юзасидан тавсиялар ва тушунчалар берилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар, унинг оқибатлари бўйича ҳар йили таҳлилий маълумот киритиб борилмоқда.

Давлат дастурларини амалга оширишда касаба уюшмаларининг фаол иштирокини таъминлаш, аҳоли турли қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги ишларини янада кучайтириш чоралари кўрилди.

Ҳисобот даврида ижтимоий йўналтирилган давлат дастурларини бажариш доирасида жамоа шартномалари ва келишувлари орқали иш берувчилар ва касаба уюшмалари ҳисобидан 353 минг 325 та оилага ва 945 минг 853 нафар фуқароларга 966 млрд. сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Давлат дастурлари асосида ишлаб чиқилган дастурлари ижроси учун 2 трлн. 508 млрд. 396,8 млн.сўм, жумладан 1 трлн. 626 млрд. 871,0 млн. сўм касаба уюшмалари маблағлари ҳисобидан, 881 млрд. 525,8 млн. сўм иш берувчилар маблағлари ҳисобидан сарфланди.

Жумладан, 2021-2025 йилларда:

пенсия ёшидаги шахслар ҳамда корхоналарнинг собиқ ходимларидан 504 минг нафари 435,2 млрд. сўмлик турли кўринишда моддий қўллаб-қувватланди;

икки ёшдан уч ёшгача бола парвариши учун таътилда бўлган 50 минг нафардан зиёд ёш оналарга моддий кўмак кўрсатилди;

кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг қарийб 239 минг нафар фарзандлари ўқув қуроллари харид қилиш харажатлари қисман қопланди;

16 мингтадан ортиқ нодавлат мулк шаклидаги қорхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган қарийб 25 минг нафардан зиёд болали аёлларга ойлик маоши сақланган ҳолда иш вақти ҳафтасига 35 соатдан ошмайдиган қилиб белгиланди;

қарийб 350 минг нафар кам таъминланган ёш оилалар вакилларига моддий ёрдам кўрсатилди;

олий ўқув юрларида таҳсил олаётган 13 минг нафардан зиёд иқтидорли, кам таъминланган ва чин етим талабаларга ўқув шартнома пуллари қисман тўлаб берилди;

11 мингдан ортиқ ёш оиллага уй-жой қуриш ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муددат фойдаланиладиган товарларни харид қилиш ўқувчи кизматга қўриқлиши муносабати билан фойдасиз судалар берилди;

16 минг нафарга яқин ёш ходимларга сафарбарлик захирасидаги харбий кизматга қайрилиши муносабати билан фойдасиз судалар берилди.

Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва иқтисодий манфаатлари химов қилиш борасидаги ишларнинг самарадорлигини ошириш, ушбу йўналишда бошқа мутасадди ташкилотлар билан тизимли ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Жумладан, 2022 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан ҳамкорликда 22 та қорхона, ташкилотда хотин-қизлар ўқув қулай ва хавфсиз меҳнат шартларининг яратил, уларнинг меҳнатига муносиб иш ҳақи тўлаш, меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари ҳолати ўрганилиб, аниқланган 245 та камчилик юзасидан иш берувчиларга 17 та кўрсатма киритилди ва 173 таги бартараф этилишига эришилди.

2022 йил 15 декабрда "Хотин-қизлар ва эркақлар ўқув тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида"ги Қонун қабул қилиниши касба ўқувчиларнинг хотин-қизлар билан ишлаш соҳасидаги феолигини янада кучайтиришда муҳим омили бўлди.

2023 йилдан бошлаб касба ўқувчилари Федерацияси томонидан давлат органлари ва ташкилотларида жамоатчилик назорати доирасида Гендерга оид аудит ўтказиш йўлга қўйилди.

Бу боралдаги ишларни тизимли равишда ташкил қилиш мақсадида Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича Республика комиссияси мажлисининг Баённомалари билан Гендерга оид аудитни ўтказиш дастлабки ўслубияти ва янги ўслубияти, гендерга оид аудитни ўтказиш бўйича 2 марта ўқувчилик режа тасдиқланшига эришилди.

Прокуратура идоралари билан ҳамкорликда жойларда ҳар бир мурожаатнинг ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқилиши устидан қатъий назорат ўрнатилиб, вазирлик, идоралар ҳамда ҳокимликларга тегишли тартибда юборилган мурожаатларнинг ижроси юзасидан тайёрланган таҳлилий ҳисоботлар ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилмоқда.

“Аёллар дафтари”ни юритиш орқали хотин-қизлар муаммоларини ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида 2022 йилда Президент Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси, касаба уюшмалари ҳамда вазирлик ва идоралар вакилларида таркиб топган Ишчи гуруҳи томонидан “Аёллар дафтари” бўйича Вақтинчалик тартиб қайта кўриб чиқилди ва доимий тусга эга бўлган Низом ва “Аёллар дафтари” жамғармаси Низоми лойиҳалари ишлаб чиқилди.

“Аёллар дафтари” тизимининг 6 та босқичида жами 4 млн. 538 минг нафардан зиёд хотин-қизларнинг муаммолари ҳал этилди ва бунинг учун жами 7 трлн. сўмга яқин маблағ сарфланди.

Шу жумладан, 6 та босқич давомида:

- 2 млн. 84 минг 717 нафарининг бандлиги таъминланди;
- 261 минг 98 нафарига 3 трлн. 161 млрд. 686 млн. сўм имтиёзли кредит ажратилди;
- 1 млн. 804 минг 581 нафарига (боқувчисини йўқотган, ижтимоий ёрдамга муҳтож, қарамоғида ногирон фарзанди мавжуд бўлган эҳтиёжманд хотин-қизлар) жами 1 трлн. 702 млрд. 442 млн. сўм моддий ёрдамлар ажратилди;
- 11 минг 264 нафари арзон уй-жойлар билан таъминланди;
- 28 минг 834 нафар хотин-қизларга турар-жой ижараси учун 49 млрд. 961 млн. сўм компенсация тўлови тўлаб берилди;
- 23 минг 189 нафар хотин-қизларнинг уй-жойлари таъмирлаб берилди;
- 1 млн. 594 минг 413 нафарига тиббий, ҳуқуқий ва психологик ёрдамлар кўрсатилди;
- 38 минг 206 нафарига деҳқончилик қилиш учун 10 минг 56 гектар ер майдонлари ажратилди;
- 1 минг 203 нафар хотин-қизларга ва 339 нафар фарзандларига 5 млрд. 897 млн. сўм тўлов-контракт пуллари тўлаб берилди;
- 128 минг нафари саёҳатларга юборилди.

Ҳисобот даврида маданий-маърифий, спорт-соғломлаштириш йўналишидаги ишлар тизимли равишда олиб борилди.

Жумладан, ҳар йили касаба уюшма ташкилотларида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича тадбирлар дастурлари ишлаб чиқилиб, ижроси таъминланиб келинмоқда.

Қасаба уюшмалари ташкилотлари фаоллари, тегишли вазирлик ва идораларнинг мутахассисларидан иборат таркибда гендерга оид аудитни ўтказувчи ишчи гуруҳ шакллантирилди, гендерга оид аудитни ўтказиш бўйича аниқ саволнома ишлаб чиқилиб, мутасадди вазирлик ва идораларга етказилди. Республика комиссияси билан ҳамкорликда 2023 йилнинг 24 август кунини ўқув семинари ташкил этилиб, унда вазирлик ва идораларнинг гендерга оид аудитни ўтказувчи мутахассислари, қасаба уюшмалари Республика кенгашлари, Федерациянинг Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларининг масъул ходимлари, омавий аҳборот воситалари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг жами 700 нафардан ортиқ вакиллари иштирок этишди.

Ушбу йўналишдаги ишларга халқаро тажрибани жорий этиш мақсадида 2023 йилда 2 марта Халқаро мەхнат ташкилоти мутахассислари билан масофавий шаклда ўрашув ҳамда қисқа ўқув семинари ташкил этилди. 2023 йил давомида 718 та корхона, ташкилот ва муассасада тенг аҳамиятли мەхнат ўчун эркак ва аёл мەхнатқашларга тенг ҳақ тўлаш масаласи жамoa шартномасига қиритилганлиги ва унга амал қилиниши ҳолати, 1 минг 153 та корхона, ташкилот ва муассасаларда 175 минг 460 нафар аёллар ўчун ташкил этилаётган иш ўринларида мەхнат шартлари яратилиши ҳолати қасаба уюшмалари ташкилотлари томонидан ўрганилиб, аниқланган камчиликларини бартараф этиш чоралари қўрилди.

2024 йилнинг 1-чоракда Халқаро мەхнат ташкилотининг дастури доирасида гендерга оид аудит ўтказиш бўйича координацияларни сертифицициялаш курси лойиҳаси амалга оширилди ва қасаба уюшмаларининг 10 нафар ходимлари халқаро гендер аудитор мактабинини берувчи сертифицияга эга бўлдилар.

Хисобот даврида Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси ва ҳамкор ташкилотлар иштирокида 5 та вазирлик ҳамда унинг таркибий ва ҳудудий тузилмаларида гендерга оид аудит ўтказилиб, натижалари таҳлил қилинди. Гендерга оид аудитнинг натижалари туфрисидаги маълумотлар Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси тақвим этиб борилоқда.

Хотин-қизлар уюшмаларини аниқлаш ва уларни тизимли ҳал этишнинг муҳим механизми сифатида жорий этилган 1211-қисқа рақамли "Ишонч телефони" хисобот даврида қўллаб аёлларнинг мەхнат ва ижтимоий соҳадаги муаммоларини аниқлаш ҳамда ҳал этиш имконини берди.

Хусусан, хисобот даврида "Ишонч телефони"га хотин-қизлардан тушган 200 минг 147 та мурожаатлар тегишли мутасадди ташкилотларга йўлланиб, ижроси ўстидан тизимли назорат омиб борилди. Натижада 199 минг 346 тасининг (99,6%) ижроси таъминланганига эришилди.

Мазкур мурожаатларнинг асосий қисмини тадбиркорлик, ижтимоий масалалар, уй-жой билан таъминлаш ва таъмирлаш, оилавий муносабатлар, бир марталик моддий ёрдам ажратиш, қоммунал хизмат масалаларини ташкил қилади.

Ҳар йили 32 мингдан ортиқ меҳнат жамоаларида ўтказилаётган “Маърифат соатлари”да 4,5 млн. нафарга яқин ходимлар иштирок этмоқда. “Маърифат соатлари”да Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан тавсия этилган Намунавий мавзулар бўйича маърузалар ташкил этилиб, уларда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегияси”, “Ўзбекистон – 2030” стратегияси”да белгиланган кенг кўламли ислохотларни амалга ошириш доирасида ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, маданий-маънавий соҳаларда олиб борилаётган ислохотлар ва эришилган ютуқлар, давлат дастурларининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти хусусида сўз борди.

Республикамиздаги умумхалқ байрамлари ва муҳим саналар меҳнат жамоаларида кенг нишонланиб, ўтказилган маданий-маърифий тадбирларда ходимларга байрамларнинг мазмун-моҳиятини, мустақиллик туфайли эришилган ютуқлардан фохрланиш, бугунги кунимизга шукроналик туйғуларини сингдириш, Ватанга муҳаббат ва садоқат, инсонпарварлик фазилатларини тарбиялаш, миллий урф-одат, анъана ҳамда қадриятларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини ҳар томонлама тарғиб этишга эътибор қаратилди.

Хусусан, ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари ташкил этилган сана ва Ватан ҳимоячилари куни байрами муносабати билан меҳнат жамоаларида ҳарбий хизматчилар, Қуроли Кучлар фохрийларини жалб этган ҳолда “Ватан – муқаддас, уни ҳимоя қилиш шарафли бурчдир!”, “Миллий армиямиз ёшларимиз қалбида садоқат, жасорат, матонат туйғуларини мустаҳкамловчи ҳаёт мактабидир”, “Қуроли Кучларнинг фуқаролик жамиятида тутган ўрни ва роли!”, “Миллий армиямиз – ёшларнинг мардлик, матонат ва жасорат мактабидир”, “Ўзбекистон – мустақил Ватанимиз, миллий армиямиз фохру ғуруримиз!”, “Менинг армиям – менинг фохрим”, “Ватан ҳимояси – муқаддас бурч”, “Янги Ўзбекистон армияси – мамлакат таянчи, халқимиз фохри!” мавзуларида давра суҳбатлари ва учрашувлар ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари – юрт тинчлиги ва хавфсизлигининг кафолатидир”, “Халқ ва армия - бир тану бир жон!” мавзусида “Маърифат соат”лари, ҳарбий қисмларда учрашувлар ўтказилди.

8 март – Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан барча меҳнат жамоаларида “Аёллари қадр топган юрт”, “Аёл борки олам мунаввар”, “Аёл оила кўргони ва чароғбони”, “Аёли эъзозланган юрт”, “Мўътабар аёл”, “Аёлга эҳтиром” мавзуларида ташкил этилган маънавий-маърифий тадбирларда мамлакатимизда хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги мавқеини ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича олиб борилаётган ишлар кенг тарғиб этилди, фаол аёллар рағбатлантирилди, меҳнат фохрийлари йўқланди.

Наврўз умумхалқ байрами арафасида “Наврўз – қадриятларимиз тимсоли”, “Наврўз – қадр-қиммат, меҳр-мурувват ва анъаналар тимсоли”, “Миллий қадриятларимиз – бекиёс бойлигимиз” мавзуларида ўтказилган маданий-маърифий тадбирлар орқали ходимларга, айниқса ёшларга, Наврўз байрамининг мазмун-моҳиятини тушунтириш, миллий анъаналар ва қадриятларимизни тарғиб қилиш ишлари амалга оширилди.

9 май – Хотира ва қадрлаш куни байрами муносабати билан корхона, ташкилот, муассасаларда уруш ва меҳнат фахрийлари иштирокида “Сиз доим эъзодасиз”, “Қариси бор уйнинг париси бор”, “Қаҳрамонлик, бурч ва фидойилик”, “Аждодларни хотирлаш – муқаддас қадрият”, “Тинчлик ва осойишталик, миллатлараро тотувлик – бебаҳо неъмат”, “Эътибор ва ғамхўрлик – инсоний бурч”, “Инсон қадри улуғ, хотира – муқаддас” мавзуларида маданий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари ва учрашувлар ўтказилди. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, меҳнат фахрийлари ва мустақиллик йилларида хизмат даврида ҳалок бўлган ҳарбийлар оилалари моддий қўллаб-қувватланди.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги байрами арафасида касаба уюшмалари томонидан юртимизнинг барча ҳудудларида меҳнаткашлар ўртасида “Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!” “Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз!”, “Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун!”, “Бир бўлсак-ягона халқмиз, бирлашсак - Ватанмиз!”, “Ватан учун, миллат учун, халқ учун!” деган эзгу ғояларни ўзида мужассам этган маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилди.

Бўш вақтларини сермазмун ўтказишлари, уларни маънавий озуқа олишлари, бой маданиятимиз ва тарихий меросимиз билан яқиндан таништириш мақсадида ҳисобот даврида 870 минг нафар ходимларнинг маданият муассасалари – театр, концерт музей ва кўرғазма заллари, кинотеатрларга ташрифи уюштирилди. Ушбу мақсадлар учун жамоа шартномалари ва келишувлари орқали касаба уюшмалари ва иш берувчилар маблағлари ҳисобидан қарийб 39,2 млрд. сўм сарфланди.

Республика ҳудудидаги “Мурувват” ва “Саховат” уйларида яшовчилар ҳолидан хабар олиниб, уларга жами 1 млрд. 557 млн. сўмлик маиший жиҳозлар, кийим-кечаклар, гигиеник воситалар топширилди, 9 май – Хотира ва қадрлаш куни байрами муносабати билан касаба уюшма ташкилотлари томонидан 1 минг 104 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, меҳнат fronti фахрийларига турли кўринишда 587,9 млн. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

428 нафар Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат fronti ногиронлари, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида соғлиғини йўқотган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари касаба уюшмалари томонидан жами 307,2 млн. сўмлик протезлар, ногиронлар аравачалари ва бошқа зарур тиббий асбоб-анжомлар билан таъминланди.

Ўзбекистон Республикаси суверенитети ва мустақиллигини ҳимоя қилиш бўйича хизмат мажбуриятини бажариш вақтида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари жами 2 млрд. 079,5 млн. сўмлик моддий қўллаб-қувватланди.

Шунингдек, ҳисобот даврида, “Меҳрибонлик” уйлари тарбияланувчилари ҳамда эҳтиёжманд оила фарзандларининг музейлар, истироҳат боғларига бепул ташрифларини ташкил этиш ишлари тизимли равишда амалга ошириб келинди.

2021-2022 йилларда Ўзбекистон касабда уюшмалари Федерацияси томонидан ёшларни қўллаб қувватлаш мақсадида турли танловлар ташкил қилинди.

Жумладан, умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида "Менинг Президентим" ижодий ишлар танлови, Темурбеклар мактаблари ва "Ёш чегарачи" харбий академик лицейи ўқувчилари ўртасида "Янги Ўзбекистонга қанот бўламиз!" ижодий ишлар танлови, Олий таълим муассасалари талабалари ўртасида "Янги Ўзбекистонни ўзимиз, ўз қўлимиз билан бунёд этамиз!" шiori остида эсселар танлови, Ўзбекистон Мусулмонлари идораси тасарруфидати олий ва ўрта махсус диний таълим муассасаларининг талаба-ўқувчилари ўртасида "Ватанни севмоқ инсондандир" иншолар танловлари ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини ташаббуси билан аввалги Свєрдлов номидаги концерт зали, кейинчалик Республика биржа маркази маъмурий биноси бўлган объект Ўзбекистон касабда уюшмалари Федерацияси билан ситга берилиб, реконструкция қилинди.

2022 йилдан бошлаб ўшбу маскан "Ўзбекистон касабда уюшмалари саройи" ситгада томошабинларга турли жанр, кўрinishдаги академик ва замонавий концерт дастурларини, спектакль хамда томошаларни намойиш қилдиغان санъат даргоҳи ситгада фаолият кўрсатиб келмоқда.

Сарой қошида миллий чолгу асбоблари ижрочилиги, хореография, актёрлик маҳорати, вокал, тасвирий санъат, либос дизайнёрлиги, бичиш-тикиш ва овоз режиссёрлиги каби қатор ижодий йўналишларни ўз ичига олган "Қалдирғоч" боғлар санъат маркази ташкил этилиб, унда малакали педагоглар ўсиб келаётган ёш авлодга таҳсил бермоқда.

Ўзбекистон бўйлаб саёхат қил! шiori остида ички туризмни ривожлантиришга қўмаклашиш мақсадида тизимдаги касабда уюшмалари ташкилотлари томонидан қарийб 1 млн. 227 минг нафар, шу жумладан Ўзбекистон касабда уюшмалари Федерацияси томонидан 124 минг 990 нафар, меҳнатқашлар ва уларнинг оила аъзоларини мамлакатимиз тарихий шаҳарлари хамда ўз қўлларидати диққатга сазовор жойларга саёхатлари уюштирилди.

Ўшбу йўналишдаги ишларни ташкил этишга Федерация ташкилотлари "Kasaba sayt" масъулияти чекланган жамияти муносиб хизматлар ситганини яхшилаш мақсадида 2 дона 50 ўринли "Ютонг" автобуслари ва 17 ўринли микроавтобус харид қилинди.

Ўзбекистон даврида "Kasaba sayt" масъулияти чекланган жамияти томонидан турли соҳаларнинг 2 минг 200 дан ортиқ ташкилотидан 55 минг нафардан зиёд ходимлар учун Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Термиз шаҳарларида туристик саёхатлар ташкил қилинди.

Ташкилотнинг ташкил қилиш соҳасидати фаолияти қўллами ортиб бермоқда. Хусусан, хисобот даврида Қирғизистон Республикасининг Исикқўл вилоятига, Қозоғистон Республикасининг

Туркистон шахрига, Миср Араб Республикасининг Шарм-эль-Шейх шахрига 1 минг 137 нафар туристларнинг саёхатлари ташкиллаштирилди.

Шунингдек, Туркия, Чехия, Ҳиндистон, Россия, Қирғизистон, Таиланд, Бирлашган Араб Амирлиги Миср Араб Республикаси давлатларининг кўплаб туристик фирмалари билан ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилди.

Меҳнаткашлар ўртасида оммавий спорт ва жисмоний тарбияни ривожлантиришга кўмаклашиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ҳисобот даврида касаба уюшмалари ташкилотлари фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири бўлди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартдаги ПФ-5368-сонли “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ижросини таъминлаш доирасида ташкил этилган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг “Жисмоний тарбия ва спорт соғломлаштириш ишлари бошқармаси” (ҳозирда “Яккасарой спорт соғломлаштириш мажмуаси”) ушбу йўналишдаги ишларни янада юқори босқичга олиб чиқишда муҳим ўрин эгаллади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шахрида муассасанинг масъул ташкилотчилари жорий этилиб, улар томонидан жойларда тармоқ касаба уюшмаларининг вилоят, туман бўлинмалари билан ҳамкорликда меҳнаткашларни оммавий жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, корхона ва ташкилотларда ишлаб чиқариш гимнастикалари ўтказилишини йўлга қўйиш ишлари амалга оширилди.

Туман, шаҳарларда “Соғлиқ учун 5000 қадам” шиори остида юриш машқлари, оммавий югуриш тадбирлари ўтказилиши анъанага айланди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тасдиқлаган тақвим режа бўйича ҳар йили 3 босқичли оилавий мусобақалар, аёллар ўртасида 6 та спорт тури бўйича спартакиада, Ўзбекистон Мустақиллиги кунига бағишлаб спортнинг 5 тури бўйича ҳудудлараро спартакиада, Халқаро болалар кунига бағишлаб спортнинг 6 тури бўйича болалар ўртасида маҳаллалараро спорт мусобақалари, касаба уюшмалари кунига бағишланган касаба уюшмалари Федерацияси раиси кубоги учун тармоқлараро мини-футбол турнири ўтказиб келинмоқда.

2024 йилнинг ўзида “Яккасарой спорт-соғломлаштириш мажмуаси” ходимлари томонидан касаба уюшмалари ташкилотлари билан ҳамкорликда ташкил этилган барча босқич спорт мусобақалари, соғломлаштириш тадбирларига жалб этилган меҳнаткашлар, уларнинг оила аъзолари сони 1 млн. 200 минг нафарга, муассаса ташкил этилган вақтдан бери эса - қарийб 6 млн. нафарга етди.

Касб касалликларининг олдини олиш мақсадида касаба уюшмаси ташкилотлари ва иш берувчилар ҳамкорлигида ҳисобот даврида 35 мингга яқин корхона, ташкилот ва муассасаларда 4 млн. нафарга яқин ходимлар ишлаб чиқариш гимнастикаси билан шуғулланиши учун шароитлар яратилди.

Федерация тизимида 5 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ташкил этилиб, уларда 60 нафар ўқитувчи ва мураббийлар минг нафарга яқин ўқувчи-ёшларга машғулотлар ўташмоқда. Ушбу спорт мактабларида болалар оғир ва енгил атлетика, кураш, бокс, пара-каное ва академик эшкак эшиш, сузиш, синхрон сузиш, сувга сакраш, қиличбозлик, шахмат ҳамда муз устида хоккей каби спорт турлари билан мунтазам шуғулланиб келмоқдалар.

2024 йилда “Яккасарой” спорт-соғломлаштириш мажмуасида халқаро талабларга жавоб берадиган сув спорти саройи, бир нечта спорт турларига мослаштирилган спорт зали фойдаланишга топширилиб, 2025 йилда ушбу саройда илк бор “Сув париси” синхрон сузиш ва сузиш бўйича I Марказий Осиё очиқ чемпионати ўтказилди.

Ушбу мусобақаларда Беларусь, Болгария, Бирлашган Араб Амирликлари, Россия, Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон, Қозоғистон ва ҳамда мамлакатимиздан жами 159 нафар спортчилар 37 та йўналишда, сузиш мусобақаларида жами 168 нафар спортчилар 103 та йўналишда беллашдилар.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси спортчилари Ўзбекистон миллий терма жамоаси таркибида сўнгги йилларда Халқаро мусобақаларда 123 та олтин, 130 та кумуш, 72 та бронза медалларини қўлга киритдилар.

Касаба уюшмалари мулкани кўпайтириш, янги санаторийларни қуриш, мавжудларида дам олувчилар учун шароитларни тубдан яхшилаш, ўринлар сонини кўпайтириш соҳасидаги ишлар кўлами ҳисобот даврида сезиларли даражада оширилди.

Хусусан, Даволаш профилактика марказида замонавий ётоқ, даволаш ва ошхона биносини, “Оқтош шабода санаторийси” МЧЖда 66 ўринли янги ётоқ биносини, “Турон санаторийси” АЖда янги ошхона биносини, “Бўстон санаторийси” МЧЖда даволаш бўлимини, “Абу Али ибн Сино санаторийси” ва “Хонқа санаторийси” МЧЖларда янги ётоқ, ошхона, даволаш бўлимларини, “Янгиер санаторийси” МЧЖ ҳудудида ёпиқ сузиш ҳавзасини, “Кўхинур санаторийси” МЧЖ ҳудудида 2 қаватли маданият саройи ва ёпиқ сузиш ҳавзасини қуриш ва жиҳозлаш, “Чинобод санаторийси” АЖда ошхона, клуб биносини реконструкция қилиш ва автотураргоҳ қурилиши, “Умид гулшани” МЧЖда ошхона ва клуб қурилиши, “Зомин санаторийси” МЧЖда “120 ўринли “Она ва бола” биноси ва 2 та коттеж қурилиши, Тошкент шаҳрида Нурунийлар дам олиш маскани қурилиши ишлари амалга оширилди.

Шунингдек, Федерациянинг Самарқанд ва Тошкент вилояти кенгашлари учун замонавий маъмурий бинолар, Тошкент шаҳрида касаба уюшмалари тарихи музейи, “Чинобод плаза санаторийси” МЧЖда конференция зали қурилиб, замонавий талабларга мос равишда жиҳозланган ҳолда фойдаланишга топширилди. Федерациянинг Навоий, Сирдарё, Хоразм, Наманган ва Жиззах вилоят Кенгашларининг маъмурий бинолари ва Наманган шаҳридаги “Океан” сув спорти саройи, Федерация маъмурий биносининг фасад қисми реконструкция қилинди.

2022 йилда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси қурилиши тугалланиб, 2022-2023 ўқув йили учун талабалар ўқишга қабул қилинди. 2024 йилда академияда талабалар

учун ётоқ биноси, 2025 йилда Бухоро шаҳрида “Тикувчилик ва хунармандчилик маркази” фойдаланишга топширилди.

Бугунги кунда Қарши ва Нурафшон шаҳарларида сув спорти саройларини қуриш, Тошкент шаҳрида Федерация балансига ўтказилган собиқ “Шарқ” наشريёти маъмурий биносини реконструкция қилиш, Бойсун туманида “Омонхона санаторийси”ни реконструкция қилиш ва Бўстонлиқ туманида Акбар Жўраев спорт мактаби қуриш ишлари давом эттирилмоқда.

2020-2025 йилларда тизимда 10 та янги санаторий ва 1 та дам олиш уйи (“Янгиер санаторийси”, “Кўхинур санаторийси”, “Хўжаипок санаторийси”, “Термиз марвариди санаторийси”, “Чинобод плаза санаторийси”, “Сангардак санаторийси”, “Заркент санаторийси”, “Севарсой санаторийси”, “Бўзатов санаторийси”, “Бўстон Резорт” санаторийси ва “Сангардак” дам олиш уйи) қуриб фойдаланишга топширилди.

Бундан ташқари, қўшимча 3 та - 174 ўринли “Хонабод санаторийси” (Андижон вилояти), 251 ўринли “Назарбек санаторийси” (Тошкент вилояти) ва 150 ўринли “Омонхона санаторийси” (Сурхондарё вилояти) Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тасарруфига ўтказилди.

Натижада, 2017 йилга нисбатан ўринлар сони 2 минг 043 тага ошди ва йилига қўшимча 60 мингдан ортиқ аҳолини соғломлаштириш имкони яратилди. Янги қурилган санаторийлар, мавжуд сихатгоҳларда қўшимча ётоқ ва даволаш бўлимларини ишга туширилиши ҳисобига қўшимча 1 минг 433 та муқим иш ўринлари яратилди.

Республикада илк бор Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Курортология илмий-амалий маркази ташкил этилди.

Бугунги кунда санаторийларда жами 4 минг 110 нафардан зиёд ходимлар, жумладан 268 нафар врачлар, 974 нафар ҳамширалар дам олувчиларга сифатли тиббий хизмат кўрсатишмоқда.

Санаторийларда фаолият олиб бораётган тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш ишлари тизимли равишда олиб борилмоқда. Жумладан, узлуксиз таълим бўйича ўқув дастурлари ишлаб чиқилиб, шифокорларнинг 150 нафари (60%) иш жойларидан ажралмаган ҳолда ўз малакаларини оширди. Бундан ташқари, қўшимча равишда 185 (68%) нафар шифокор “Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази”га 144 соатли малака ошириш курсларига юборилди. Натижада, малака тоифасига эга тиббиёт ходимлари 72 фоиздан 96 фоизга ошди.

Санаторийларда илғор замонавий тиббий ва соғломлаштириш технологияларни татбиқ этиш, моддий – техника базасини кучайтириш, хизмат кўрсатиш сифатини тубдан оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Жумладан, “Чинобод” санаторийсида барча ходимларнинг фаолияти самарадорлигини назорат қиладиган ягона электрон дастур ишлаб чиқилиб, тажриба сифатида амалиётга татбиқ этилди.

Исикхонаси мавжуд бўлган санаторийларда ландафтлар барпо этиш учун гул қўчатларини етиштириш ва санаторий хўдудига қўчириш услуби жорий қилинди, дам олувчиларни "швед столи" тамойили асосида овқатлантиришни ташкил қилдиган сихатгоҳлар сони ортишига эришилди.

Тарфибот ишларини янада қўчайтириш максатидда ижтимоий тармоқларда барча санаторийларнинг саҳифалари очилди. Дастлабки натижаларга қўра Инстаграмда очилган саҳифа, жумладан таргетлаш хизмати янги дам олувчиларни 10-15 фоизга ошириш, Телеграмдаги саҳифа эса санаторийларнинг доимий мижозлари билан қайта алоқани йўлга қўйиш имконини бермоқда.

Соғломлаштириш ва сервис хизматларини, шу жумладан муомала маданиятини яхшилаш максатида барча санаторийларда бир нафардан масъул ходим махсус супервайзерлик дастури асосида ўқитилди ва барча санаторийларда хизмат сифатини ўзлуksиз яхшилаш борасида супервайзерлик тизими шакллантирилди. Бундан ташқари санаторийларнинг шифокорлари хорижда (Россия Федерацияси, Беларусь, Озарбайжон, Чехия Республикаси) ва республика миқёсда ўтказилган илмий-амалий конференцияларда марбузалар билан иштирок этишди.

Замонавий даволаш усулларини амалиётга татиқ этиш доирасида 20 та санаторийда компьютерли тракцион даволаш, 21 та сизда лимфодренаж, 22 та сизда озонотерапия, 9 та сизда гидрокоскопия, 15 та сизда зарб тўқинли терапия кенг қўлланилмоқда. 17 та санаторийда бассейн ва сув ости массажи, 10 та сизда сауна, 7 та сизда "Биши души" ишлаб турибди.

Амалда фойдаланилаётган соғломлаштириш муолажалари билан бир каторда 2024 йилдан бошлаб энг замонавий даволаш усуллари - умурткани тракцион тортиш, юкори частотали лазер, юкори частотали магнит, карбокситерапия, карбонатангидридли коллар, сапропел балчықли ванналар, "Эсселла" аппаратлари амалиётга қўлланила бошланди.

Хисобот даврида тизимдаги санаторийларда 900 мингта яқин дам олувчилар соғломлаштирилди, улардан қарийб 341 минг нафари имтиёзли ва 21 минг 831 нафари бепул йўланмалар асосида ўз саломатликларини тиккадилар.

Тизимдаги санаторийларда нафақат касаба уюшмалари аъзолари, балки мамлакатимиздаги дам олишни истаган барча фуқаролар, нурунийлар ва аҳолининг бошқа тоифалари ўз саломатликларини мустақкамлаб келмоқдалар.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 24 декабрдаги 361-сонли қарори ижроси доирасида, тасдиқланадиган режата асосан, тизимдаги санаторийларда 1 минг 183 нафар 1941-1945 йиллардаги ўруш ва меҳнат фронти фахрийлари ва уларнинг қузатувчилари давлат бюджеги хисобидан бепул соғломлаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли фармонлари, қарорлари ижросини таъминлаш доирасида турли соҳалар ходимлари, аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож тоифаларини Федерация тизимидаги санаторийларда соғломлаштириш ишлари амалга оширилади.

Жумладан:

“Саховат” интернат уйлари ҳамда ўруш ва меҳнат фахрийлари ўчун ишлайдиган кексаларнинг 1 минг 537 нафари бепул йўланмалар билан таъминланади;
ташкilotларда ишловчи пенсионерлар ҳамда касба уюшмалари аъзоларининг пенсиядаги ота-оналаридан 35 минг 968 нафари имтиёзли ва ишлайдиган кексаларнинг 1 минг 537 нафари бепул йўланмалар билан таъминланади;

608 нафар кишлоқ хўжалиги ва 13 нафар сув хўжалиги соҳаси ходимлари, “15 октябрь - Халқаро кишлоқ аёллари кўни” муносабати билан 52 нафар аёллар, маҳаллалардаги 163 нафар фароол хотин-қизлар, 983 нафар Йўки ишлар вазириги профилактика инспекторлари ва уларнинг оила аъзоларини таъминлаш санаторийларда бепул соғломлаштириш ишлари таъминланади;

корхона, ташкilot ва муассасаларда фаол яшаш кўрсаткитан 1 минг 862 нафар Чернобыль АЭС халокатини бартараф этишда иштирок этганлар, Афтон ўруши қатнашчилари ҳамда ногиронлиги бор шахслар соғломлаштирилади;

маданият ва санъат ривожига ўзининг кўп йиллик самарали меҳнати билан ҳисса қўшиб келаётган соҳа вакиллари ҳамда омавий ахборот воситалари ходимларидан 50 нафари йўланмалар билан таъминланади;
умумтаълим муассасалари ўқитувчилари ва “Меҳрибонлик” уйлари, болалар шахарлари, Оилавий болалар уйлари тарбиячиларидан 12 минг 751 нафари бепул йўланмалар ажратилади.

Бундан ташқари, ҳар йили таъминланадиган давлат дастурларида кўзда тутилган тадбирлар ижросини таъминлаш доирасида кам таъминланган, кўп боғли оилалардан бўлган аёллар, тиббиёт соҳаси ходимлари ҳамда беварад оилаларнинг ишлайдиган оила аъзолари ўчун акциялар таъмин этилиб, улардан 2 минг 828 нафари бепул дам олирилади.

Хорижий давлатларнинг фуқароларида таъминлаш санаторийлари таъминлаш орттиб бормоқда. Хусусан, Федерация тизимидаги санаторийларда соғломлаштирилган хорижий давлатлар фуқаролари сони 2017 йилдаги 2 минг 360 нафардан 2024 йилга келиб 9 минг 854 нафарга етди (ўсиш суръати 353%), 2025 йил якунига кўра уларнинг сони 10 минг нафардан орттиши кўтилмоқда.

Базилик, илора, ташикilotларга қаршли болалар соғломлаштириш ортомлохларининг фаол яшаш йўналишларини сақлаб қолиш чоралари кўрилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 ноябрдаги "Болаларнинг дам олишлари тизими ташкил этиш ва соғломлаштириш ишлари янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш доирасида Федерация тизимида болалар соғломлаштириш ва аҳоли саломатлигини тиклашга қўмаклашиш жамғармаси ҳамда болаларнинг дам олишини ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаменти ташкил этилди.

Бундан ташқари ушбу соҳага алоқадор яна 10 та яқин бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши болаларни ёзи соғломлаштириш йўналишида олиб борилаётган ишларни янги босқичга олиб чиқиш имконини берди.

2017-2023 йиллар давомида 8 та янги оромгоҳ қурилиб фойдаланишга топширилди. Фаолият юритиётган ёки самарасиз ишлаётган яна 82 та болалар соғломлаштириш оромгоҳлари Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси балансига ўтказилди ва тасарруфдаги оромгоҳлар сони 107 гага етди.

Бугунги кунда болалар соғломлаштириш ва аҳоли саломатлигини тиклашга қўмаклашиш жамғармаси маблаглари ҳисобидан 14 та фаолият юритиётган оромгоҳларни босқичма-босқич янгидан қуриш ишлари олиб боришмоқда.

2021-2025 йиллар ёз мавсумида оромгоҳларда қарий 1 млн. 545 минг нафар болалар соғломлаштирилди. Жумладан, "Ижтимоий ҳимоя гуна реестр" ахборот тизимида рўйхатда бўлган ёки "Темир дафтар", "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари"дан берила кiritилган ҳамда меҳнат митрациясига чиқиб кетган фуқароларнинг фарзандлари, ота-она қаровисиз қолган, ногирон болалар, Меҳрибонлик уйлари ва Оилавий болалар уйлари тарбияланувчиларидан қарий 75 минг нафари "Маҳалла" хайрия жамғарат фонди, касба уюшмалари, иш берувчилар, ҳомийлик маблаглари ҳисобидан иштиёзли ва беғул асосда дам олирилди.

Халқаро ҳамкорлик дастурлари доирасида 2023-2025 йилларда жами 445 нафар Тожикистон, Қирғизистон, Украина ва Россиядан келган болаларнинг Тошкент ва Фарғона вилоятларидаги сулим оромгоҳларда дам олирилиши ташкил қилинди.

Бундан ташқари, 2025 йилда "Ватандошлар" жамғарат фонди билан ҳамкорликда Қирғизистон, Тожикистон, Козоғистон, Қатар, Қувейт, Туркия, Испания, Лания, Германия, Америка Қўшма Штатлари давлатларидан келган жами 143 нафар болаларни Федерация тасарруфидати "Нихол" болалар оромгоҳида соғломлаштириш ишлари амалга оширилди.

Болаларнинг сермазмун дам олишларини ташкил қилиш мақсадида оромгоҳларда ўтказилаётган маданий-марфий, спорт тадбирлари шакли ҳамда мазмун жиҳатидан мунтазам равишда такомиллаштириб боришмоқда.

Маҳаллий, шунингдек дунёнинг энг иirik АКШ, Хитой ва Россия каби давлатларидаги турдош оромгоҳлар ассоциациялари тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда, оромгоҳларда болаларни соғломлаштириш, уларнинг

маънавияти ва интеллектини юксалтиришга қаратилган 12 кунлик намунавий дастур ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди.

Дастурда ҳар бир кунни “Болалар фестивали”, “Заковат” “Ижод ва истеъдод”, “Ҳарбий ватанпарварлик”, “Миллий қадриятлар” “Она табиатни асраш”, “Моҳир кўллар: касб-хунар”, “Спорт ва саломатлик”, “Туризм ва ўлкашунослик”, “Халқлар дўстлиги”, “Дўстларга мактуб” каби алоҳида номлаган ҳолда болалар учун кун номига хос бўлган турли маънавий-маърифий ва маданий тадбирлар, спорт ва интеллектуал ўйинлар ташкил этилиши йўлга қўйилди.

Бунда 15 га яқин вазирлик ва идоралар ўзларига тегишли кунларга бириктирилиб, уларнинг вакиллари тизимдаги барча оромгоҳларда кўргазмалар чиқишлари, маҳорат дарслари ва бошқа маънавий-маърифий ва спорт тадбирлари билан иштирок этишди. Хусусан, 2025 йил болаларни ёзги соғломлаштириш мавсумида вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда 9,5 мингга яқин тадбир ва лойиҳалар ташкил этилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг халқаро касаба уюшмалари ҳаракатида тутган ўрни ва нуфузини ошириш, халқаро ташкилотлар, халқаро касаба уюшмалари бирлашмалари билан ҳамкорликни ривожлантиришга ҳисобот даврида эътибор кучайтирилди.

Федерация ташаббуси билан 2021 йил 10 ноябрь куни Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, Қозоғистон Республикаси касаба уюшмалари Федерацияси ва Тожикистон мустақил касаба уюшмалари Федерацияси томонидан Марказий Осиё мамлакатлари касаба уюшмалари Кенгаши таъсис этилди. 2022 йилда Қирғизистон касаба уюшмалари Федерацияси, шунингдек, Мўғулистон касаба уюшмалари Конфедерацияси ушбу халқаро касаба уюшмалари ташкилотига аъзоликка қабул қилинди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ташаббуси билан 2023 йил 22 сентябрь куни Самарқанд шаҳрида Қозоғистон, Озарбайжон, Туркия ва Ўзбекистон Миллий касаба уюшма марказлари иштирокида Туркий давлатлар касаба уюшмалари Ташкилотининг таъсис йиғилиши ўтказилиши, унда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Қ.Рафиқов Ташкилотнинг биринчи президенти этиб, ўша йилнинг ноябрь ойида Туркиянинг Анқара шаҳрида ўтказилган Ташкилотнинг 1-Конгрессида фахрий президенти этиб сайланди.

Халқаро касаба уюшмалари ҳаракатида муҳим ўрин тутган Халқаро касаба уюшмалари Конфедерацияси (ХКУК) билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Конфедерацияга тўлақонли аъзолигига эришиш борасида аниқ мақсадга қаратилган ишлар амалга оширилди.

Хусусан, Халқаро касаба уюшмалари Конфедерацияси Бош котиби Шаран Барроунинг таклифига биноан 2021 йил 26 сентябрь – 3 октябрь кунлари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси делегациясининг Брюссель (Бельгия) ҳамда Женева (Швейцария) шаҳарларига ташрифи ташкил қилинди.

Ташриф давомида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси делегацияси Халқаро касаба уюшмалари Конфедерациясининг Бош котиби Шаран Барроу, Бош директори ўринбосарлари Оуэн Тюдор, Мамаду Дуалло, Умумевропа минтақавий кенгашининг ижрочи котиби Антон Леппик, Европа касаба уюшмалари Конфедерацияси Бош котиби Лука Винсентини, касаба уюшмалари ҳуқуқлари бўйича директори Жерун Бейнаерт, Органайзинг Академияси раҳбари Карен Болтон, ҳуқуқ бўйича директори Паапа Данкуа, Индекс нашри бўйича масъул ходим Лоредана Карта, Тенг ҳуқуқлилик бўлими раҳбари Паола Симонетти, Алоқалар ва кампания масалалари бўйича директори Тим Нунан, Ижтимоий-иқтисодий сиёсат департаменти директори Алисон Тэйт, иқтисодчиси Эвелин Астор, шунингдек Европа касаба уюшмалари институти директори Филипп Поше ва касаба уюшмалари таълими департаменти раҳбари Верой Дос Сантос билан учрашувлар ўтказди.

Мулоқотларда мамлакатимизни меҳнаткашлар ҳуқуқларига риоя этиш бўйича Глобал индексда акс эттириш, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясини Халқаро касаба уюшмалари Конфедерациясига ҳақиқий аъзоликка қабул қилиш, шунингдек икки томонлама манфаатли бошқа масалалар муҳокама қилинди ва келгусидаги ҳамкорлик истиқболларини белгилаб олинди.

Шунингдек, Федерация делегацияси 2022 йил 17-21 ноябрь кунлари Мельбурн (Австралия) шаҳрида ўтказилган Халқаро касаба уюшмалари Конфедерациясининг 5-конгрессида қатнашди.

2024 йилнинг 5-10 май кунлари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси делегацияси Халқаро касаба уюшмалари Конфедерациясининг Брюсельдаги Бош қароргоҳига ташриф буюриб, Конфедерация раҳбарияти ва тегишли департаментлари ҳамда Европа касаба уюшмалари Конфедерацияси раҳбарлари билан учрашувлар ўтказди. Мулоқотларда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Халқаро касаба уюшмалари Конфедерацияга тўлақонли аъзолиги масалалари муҳокама этилди.

2024 йил 28-30 октябрь кунлари Халқаро касаба уюшмалари Конфедерацияси Бош котиби Люк Триангл бошчилигидаги олий даражали миссия Ўзбекистонга ташриф давомида турли соҳа ходимларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини таъминлаш, ижтимоий шериклик ва ижтимоий мулоқотни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар билан танишди.

Ҳисобот даврида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан Халқаро касаба уюшмалари Конфедерацияси ташаббуси билан дунёнинг барча мамлакатларида нишонланадиган Бутунжаҳон муносиб меҳнат учун ҳаракатлар кунига бағишланган тадбирлар мунтазам равишда ташкил этилиб, уларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, қатор манфаатдор вазирлик ва идоралар вакиллари, Халқаро касаба уюшмалари Конфедерацияси (ХКУК) Умумевропа минтақавий кенгаши, ХМТнинг Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича бюроси вакилларининг иштироки таъминланди.

Тизмили ҳамкорлик ўз натижасини берди, 2024 йил 3-5 декабрь кунлари Бразилиа шаҳрида бўлиб ўтган Халқаро касба уюшмалари Конфедерациясининг Бош кенгаши 35-мажлисида Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Конфедерацияга ҳақиқий аъзоликка қабул қилинди. **Ҳорижий давлатларнинг касба уюшмалари миллий марказлари билан иккитомонлама ўзаро манфаатли ҳамкорлик қўлими тобора кенгайиб бормоқда.**

2021 йил 2 апрель кунини "Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси ва Туркманистон касба уюшмалари миллий маркази ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари: боғлар меҳнати ва мажбурий меҳнатнинг олдинги олиши ишларида Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг тажрибаси" мавзусида халқаро видеокофференция ўтказилди. Видеоконференцияда Туркманистоннинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Яқули Маммедов, Ўзбекистон Республикасининг Туркманистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Акмалжон Қўчқоров, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси ҳамда Туркманистон касба уюшмалари миллий маркази мутасаддилари ва масъул ходимлари, икки мамлакат тармоқ касба уюшмалари вакиллари иштирок этдилар.

2021 йилнинг 28-29 октябрь кунлари Қозоғистон Республикаси касба уюшмалари Федерацияси тақлифига биноан Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси делегацияси Нур-Султон шаҳрига ташриф буюрди. Ташриф давомида Федерациялар ўртасида ҳамкорлик туфрисида келишув ҳамда уни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар имзоланди.

2022 йилнинг сентябрь ойида Тошкент шаҳрида Марказий Осиё мамлакатлари касба уюшмалари Кенгашининг навбатли мажлисини ўтказиш доирасида Қирғизистон касба уюшмалари Федерацияси ва Мўғулистон касба уюшмалари Конфедерацияси делегацияларининг Ўзбекистон касба уюшмалари фаоллари билан уchrашувлари бўлиб ўтди. Мўлоқотларда макур касба уюшмалари марказлари ва Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси ўртасида ўзаро ҳамкорлик туфрисида Меморандумлар имзоланди.

2023 йил 20 сентябрда, Туркий давлатлар касба уюшмаси Ташкилотининг таъсис йилигишини ўтказиш доирасида, Тошкент шаҳрида Озарбайжон касба уюшмалари Конфедерацияси делегациясининг Ўзбекистон касба уюшмалари фаоллари билан уchrашуви ўтказилиб, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси ва Озарбайжон касба уюшмалари Конфедерацияси ўртасида ўзаро ҳамкорлик туфрисида Меморандум имзоланди.

200 миллиондан ортиқ аъзосига эга бўлган, дунёдаги энг иirik миллий касба уюшмалари ташкилоти ҳисобланган Ўмумхитой касба уюшмалари Федерацияси билан ўзаро манфаатли алоқаларини ривожлантиришга эришилди.

Умумхитой касаба уюшмалари Федерацияси делегацияси 2024 йил 8-12 октябрь кунлари Ўзбекистонга ташриф буюриб, юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар билан танишди, икки Федерациялар ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида Меморандум имзоланди.

2024 йил декабрь ойида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида Қирғизистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Мурадил Джумадилов ўғли раҳбарлигидаги делегация вакилларининг Ўзбекистон касаба уюшмалари фаоллари билан учрашуви ўтказилиб, унда ўзаро тажриба алмашилди ва ҳамкорликни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари муҳокама этилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Халқаро меҳнат ташкилоти, бошқа халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлигини янада ривожлантириш ҳисобот даврида фаолиятнинг асосий йўналишларидан бири бўлди.

Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) билан ҳамкорликда 2021-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистонда муносиб меҳнат бўйича мамлакат дастури амалиётга татбиқ этилмоқда ва унинг бир қатор лойиҳаларини амалга оширишда ҳамкорлик қилинмоқда.

Хусусан, 2021 йил апрель-июнь ойларида ҳамкорликда Халқаро меҳнат ташкилотининг “Ностандарт меҳнат шартномалари, ўзини ўзи банд қилиш, платформалик ва норасмий бандлик кўпроқ учрайдиган секторлардаги меҳнат муносабатларининг ҳуқуқий ва амалий муҳитини таҳлил қилиш орқали Ўзбекистон касаба уюшмаларининг ҳаракат стратегиясини белгилаб олиш” мавзусидаги лойиҳаси амалга оширилди.

2021 йилнинг 7 май куни Германия халқаро ҳамкорлик жамияти вакиллари билан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси вакилларининг учрашуви ташкил этилди. Интервью шаклида ўтказилган мулоқотда ташкилот вакиллариغا Халқаро меҳнат ташкилотининг 87- ва 98-сонли конвенциялари талабларига амал қилиниши, мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатини бартараф этиш бўйича қилинган ишлар ҳақида ахборот берилди.

2021 йил 27 май куни Халқаро меҳнат ташкилотининг “Учинчи томон мониторинги” вакиллари Йонас Аструп ва Оксана Липкану, 14 июнь куни лойиҳа вакиллари ва ХМТнинг Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари учун Бюросининг меҳнаткашлар фаолияти бўйича бош мутахассиси Гоча Александриа билан Федерация вакиллари ўртасида онлайн мулоқот бўлиб ўтди. Мулоқот давомида “Учинчи томон мониторинги” лойиҳаси, одам савдоси масалалари ва мажбурий меҳнатнинг олдини олиш юзасидан амалга ошириладиган ишлар муҳокама қилинди.

2022 йил давомида Халқаро меҳнат ташкилоти, Халқаро валюта жамғармаси, Европа иттифоқи Комиссияси, Халқаро молия корпорацияси каби нуфузли халқаро ташкилотлар делегациялари билан 15 га яқин учрашувлар ташкил этилиб, Ўзбекистон миллий қонунчилик ҳужжатларини ХМТнинг Конвенцияларига мувофиқлаштириш, мажбурий меҳнатга тўлиқ барҳам бериш, мавсумий қишлоқ хўжалиги ишчиларини адолатли ишга ёллаш ва бошқа долзарб масалалар муҳокама қилинди. Шунингдек, Федерация

вакиллари мазкур халқаро ташкилотлар томонидан Ўзбекистонда ва хорижий давлатларда ташкил этилган 10 дан зиёд конференция, семинар, вебинар ва давра суҳбатларида фаол иштирок этдилар.

2023 йил 13-15 ноябрь кунлари “�збекистон касаба уюшмалари Федерациясининг малака ошириш институти” нодавлат таълим муассасасида ХМТ билан ҳамкорликда “Марказий Осиёда касаба уюшмалари ўқуви орқали меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш: келажакка назар” мавзусида халқаро семинар ташкил қилиниб, унда Халқаро меҳнат ташкилотининг меҳнаткашлар фаолияти бўйича Бюроси (ACTRAV) Европа ва Марказий Осиё сектори мудирлари Сергеюс Гловацкас, шунингдек Озарбайжон, Молдова, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркия ва Мўғулистон касаба уюшмалари марказларининг мутахассислари иштирок этишди.

2024 йил ноябрь ойида Тошкент шаҳрида “Ягона Ижтимоий Шартнома: Европа ва Марказий Осиё касаба уюшмалари нигоҳида” мавзусида Халқаро конференция ўтказилди. Ушбу нуфузли анжуманда Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Меҳнаткашлар фаолияти бўйича Бюроси директори Мария Хелена Андре ва 30 га яқин (Польша, Болгария, Латвия, Литва, Грузия, Озарбайжон, Молдова, Марказий Осиё мамлакатлари) хорижий давлатлар вакиллари, 100 нафарга яқин маҳаллий иштирокчилар (Олий Мажлис Сенати, Қонунчилик палатаси, давлат ҳокимият органлари, касаба уюшмалари вакиллари) қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати, Ўзбекистон Иш берувчилари Конфедерацияси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, Халқаро молия корпорацияси ва Халқаро меҳнат ташкилоти ўртасидаги “Ўзбекистонда Better Work” дастури лойиҳаси билан ҳамкорлик доирасида Федерация вакилларининг икки ва кўп томонлама учрашувлар ҳамда семинарларда мунтазам иштироки таъминланди.

2025 йил 20 февраль куни Федерация биносида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Европа иқтисодий комиссияси Барқарор энергия бўлимининг иқтисодий маслаҳатчиси М.Драбик ҳамда Халқаро меҳнат ташкилотининг Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича Бюроси корхоналарни ривожлантириш ва “яшил” иш ўринлари бўйича катта мутахассиси К.Мартинес билан Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича республика уч томонлама комиссияси аъзоларининг учрашуви ўтказилди.

Федерация аппаратининг бўлимлари, тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашлари, Федерациянинг ҳудудий Кенгашлари ва Федерациянинг малака ошириш институти билан ҳамкорликда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ва Халқаро меҳнат ташкилотининг Меҳнаткашлар фаолияти бўйича Бюроси (АКТРАВ)нинг 2024 йил учун қўшма тадбирлар режаси бажарилиши таҳлил қилинди 2025 йил учун қўшма тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Мазкур қўшма тадбирлар режасига асосан Халқаро меҳнат ташкилоти сектор мудирлари С.Гловацкас иштирокида 2025 йил:

24 март куни Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмалари вакиллари иштирокида Орол денгизи худудида дарахт ва бута кўчатларини экиш тадбири;

25-26 март кунлари Қорақалпоғистон Республикасида касаба уюшмалари фаоллари учун “Иқлим ўзгариши ва Орол денгизи инқирози: жамоат саломатлиги, бандлик, муносиб меҳнат, касаба уюшмаларининг роли ва вазифалари” мавзусидаги халқаро конференция;

27 март куни Сирдарё вилоятидаги объектлар ва касаба уюшмалари ташкилотлари фаолияти билан танишиш ҳамда янги тузилган бошланғич ташкилотларда (пахта-тўқимачилик кластерларига алоҳида эътибор қаратган ҳолда) касаба уюшмаси фаолиятини йўлга қўйиш бўйича семинар ўтказилди.

Шунингдек, 2025 йил 25-26 февраль кунлари “Better cotton” Ўзбекистон Пахта етиштирувчилар барқарорлигини ўрганиш бўйича миллий маслаҳатлашув тадбирида, 11 март куни “Better Work” дастури очик эшиклар кунида, 13 март куни “Better Work” дастури Маслаҳат кенгаши мажлисида Федерация вакиллари иштироки таъминланди.

2025 йил 18 март куни GSP+ тизими доирасида Еропа Иттифоқи делегациясининг Ўзбекистон Республикасига иккинчи мониторинг миссияси делегацияси билан учрашув ташкил қилинди.

2025 йилнинг 1-2 май кунлари миллий ҳамкорлар ва ҳудудий вакиллари тўқимачилик соҳасида халқаро меҳнат стандартлари, баҳолаш жараёни ва “Better Work” дастури тажрибаси билан таништириш мақсадида “Better Work” дастурининг ҳуқуқий масалалар бўйича мутахассиси Энн Зибарт иштирокида Тошкент шаҳрида ташкил қилинган семинар-тренингда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясидан 10 нафар вакил иштирок этишди ва дастур томонидан қилинган тақдимотлар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

2025 йил 25-28 май кунлари «Better Work Uzbekistan» дастури доирасида мамлакатимиз делегациясининг Камбоджа Қироллигига амалий ташрифида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси вакиллари иштироки таъминланди. Ташриф давомида “Better Factory Cambodia” дастури гуруҳи, ХМТнинг Камбоджадаги миллий координатори, Камбоджанинг TAFTAC (Иш берувчилар уюшмаси), Камбоджа Меҳнат ва касбий таълим вазирлиги, Касаба уюшмалари, “H&M”, “VF Corporation”, “Marks& Spencer” брендлари вакиллари билан учрашувлар ўтказилди. Шунингдек, “Better Factory Cambodia” аъзоси бўлган корхоналарга ташриф буюрилди.

2025 йил 9 июнь куни “Пахта қийматининг ижтимоий, экологик ва молиявий барқарор занжири учун кўп томонлама донорлик траст жамғармасини қўллаб-қувватлаш” дастури якунлангани муносабати билан Тошкент шаҳрида ўтказилган давра суҳбатида Федерация вакиллари иштирок этди.

Бундан ташқари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан Халқаро меҳнат ташкилоти ҳамда Халқаро касаба уюшмалари Конфедерацияси кўмагида 2025 йилнинг 10-11 сентябрь кунлари Тошкент шаҳрида “Халқаро

меҳнат стандартларини илгари суришда касаба уюшмаларининг роли: халқаро амалиёт ва Ўзбекистон тажрибаси” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция ўтказилди.

Анжуманда Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ), Халқаро касаба уюшмалари Конфедерацияси (ХКУК), Глобал федерациялар, Халқаро касаба уюшмалари Конфедерациясининг Умумевропа минтақавий кенгаши ҳамда Африка минтақавий ташкилоти мутасаддилари, 30 га яқин мамлакатнинг миллий касаба уюшма марказлари вакиллари, нуфузли халқаро экспертлар ва йирик олимлар, Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар, шунингдек, вазирлик, идора ва фуқаролик жамияти институтлари вакиллари иштирок этдилар.

Ялпи ва секция мажлисларидаги муҳокамалар яқунларига кўра анжуман иштирокчилари томонидан Халқаро конференциянинг Тошкент резолюцияси қабул қилинди.

Мамлакатимизда касаба уюшмалари ҳаракатининг тарихини ўрганиш ва кенг жамоатчиликка етказиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Жумладан, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тарихи музейи ташкил этилиб, 2021 йилдан ўз фаолиятини бошлади. Музей фондини кенгайтириш соҳасида олиб борилган ишлар натижасида бугунга келиб экспонатлар сони 2 мингтадан ошди. Ҳозирда музейни яна кенгайтириш мақсадида қўшимча бино қуриш ишлари олиб борилмоқда.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан касаба уюшмалари тизимида меҳнат қилган фахрийлар ва ходимлар, етук мутахассислардан иборат тузилган Ишчи гуруҳ томонидан Ўзбекистон Миллий архиви, Ўзбекистон Кинофотофоно ҳужжатлари Миллий архиви, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси архиви, Ўзбекистон Фанлар Академияси Тарих институти, Алишер Навоий номли Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Ўзбекистон тарихи музейи ва бошқа қатор илмий муассасалар, Санкт-Петербург шаҳридаги Россия давлат тарихи архиви фонди ҳамда Россия миллий кутубхонасида 1 000 дан ортиқ тарихий ҳужжатлар шунингдек, ўтган асрнинг бошида чоп этилган “Туркистон”, “Ишчилар дунёси”, “Хуршид”, “Тараққий” ва “Самарқанд” газеталарининг 200 дан ортиқ сонлари ўрганилиб, чуқур таҳлил этилди.

Ўрганишлар натижасида мамлакатимизда илк касаба уюшмалари ҳаракати 1905 йилда бошланганлиги ва 2025 йилда 120 йил бўлишлиги тарихий ҳужжатлар ҳамда аниқ манбалар асосида тўлиқ исботини топди.

Ўзбекистонда касаба уюшмалари ҳаракатининг тарихини кенг оммага етказиш мақсадида ўзбек ва рус тилларида “Ўзбекистон касаба уюшмалари халқ билан 120 йил” ва “Просоюзы Узбекистана 120 лет с народом” деб номланган 2 жилдлик китоблар чоп этилди, шунингдек “Ўзбекистон касаба уюшмаларининг 120 йиллиги” эсдалик нишони таъсис қилинди.

Касаба уюшмаларини ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш, жамиятда тутган ўрни ва нуфузини ошириш, молиявий имкониятлардан келиб чиқиб тузилмани такомиллаштириш ишлари изчиллик билан олиб борилмоқда.

Касаба уюшма ташкилотлари тузилмаган фаолият юритаётган корхона, ташкилотлар ходимларини касаба уюшмаларига жалб қилиш ишлари ҳисобот даврида сезиларли даражада кучайтирилиши натижасида касаба уюшмалари аъзолари сони 2021 йилдаги 5 млн. нафардан бугунга келиб 8 млн. нафарга етди.

Тармоқ касаба уюшмаларининг ҳудудлардаги бошланғич, туман, шаҳар ташкилотлари фаолияти самарадорлигини янада ошириш, уларга амалий ва услубий ёрдам кўламини кенгайтириш мақсадида босқичма-босқич Федерацияга аъзо ташкилотларнинг тузилмаларини ташкил қилиш ишлари амалга оширилиши ҳудудий бўлинмалар сонини 2021 йилдаги 49 тадан 2025 йилга келиб 81 тага етказиш имконини берди.

Касаба уюшмаларининг жамиятда тутган ўрни ва нуфузини ошириш мақсадида 2021 йилдан бошлаб “11 ноябрь – Касаба уюшмалари куни”га бағишланган кенг кўламли тадбирлар ўтказилмоқда.

Касаба уюшмалари ҳаракатини ривожлантириш, жамиятдаги роли ва нуфузини оширишга муносиб ҳисса қўшаётган фаолларни тақдирлаш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг “Касаба уюшмалари кунига 1 йил” эсдалик кўкрак нишони таъсис этилиб, 1 минг 600 нафардан зиёд касаба уюшмалари фаоллари мазкур нишон билан тақдирланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев раҳбарлигида мамлакатимизда барча соҳаларда олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотларни касаба уюшмалари томонидан кўллаб-қувватлаш, фуқароларни мазкур ислоҳотларда янада фаол иштирок этишга рағбатлантириш, ўз фаолиятида алоҳида ютуқларга эришган турли соҳалар вакилларининг меҳнатини муносиб тақдирлаш мақсадида 2021 йилда Ўзбекистон касаба уюшмалари тарихида илк мартаба “Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси лауреати” мукофоти таъсис этилди ва бугунги кунгача 56 нафар турли соҳалар ходимларига ушбу мукофот топширилди.

Касаба уюшмаларининг асоси бўлган бошланғич ташкилотлар фаолияти самарадорлигини ошириш, уларни ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини муносиб ҳимоя қилишга рағбатлантириш мақсадида 2021 ва 2023 йилларда “Энг намунали бошланғич ташкилот” кўрик-танлови ўтказилиб, республика финал босқичи ғолиблари муносиб тақдирланди.

2025 йилда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимида ҳисобот-сайлов йиғилишлари, конференциялари, қурултойлар демократик тамойилларга тўлиқ риоя этилган ҳолда ўтказилди.

Барча даражадаги касаба уюшмалари ташкилотлари раҳбарлари ва раҳбар ўринбосарлари сайлови муқобиллик асосида, ишлаб чиқаришдаги ишидан озод этилган ҳолда фаолият олиб борадиган раҳбар ва раҳбар ўринбосарлари муқобиллик асосида ва яширин овоз бериш йўли билан ўтказилди.

Жумладан, ҳисобот-сайловлар жараёнида Республика бўйича жами бошланғич ташкилотларнинг 1 минг 208 тасида (3,3%), жумладан раиси ҳақ олиб ишлаётган 431 та ва жамоатчилик асосида фаолият олиб бораётган 777 та бошланғич ташкилотда раислар сайлови яширин овоз бериш йўли билан ўтказилди.

Шунингдек, касаба уюшмаларининг 400 га туман, шаҳар, 80дан зиёд вилоят бўлинмалари, тармоқ касаба уюшмалари ва Федерациянинг ҳудудий Кенгашлари раис ва раис ўринбосарлари барчаси яширин овоз бериш йўли билан сайланди.

Ҳисобот-сайловлар якунига кўра бошланғич ташкилотлар касаба уюшмаси кўмиталари, цех кўмиталари, тафтиш комиссиялари аъзолигига сайланган касаба уюшмалари фаолларининг сони 625 минг нафарни ташкил этиб, 2020 йилда ўтказилган ҳисобот-сайловларга нисбатан 2 баробарга ортди.

“Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг малака ошириш институти” нодавлат таълим муассасасида касаба уюшмалари ходимлари ва фаоллари малакасини ошириш ишлари тизимли равишда давом эттирилди.

2021-2025 йиллар давомида муассасада қарийб 13,5 минг нафар касаба уюшмалари ходимлари ва фаоллари, жумладан 4 минг 573 нафари бевосита муассасада ташкил этиладиган 40 соатлик ўқув курсларида, 6 минг 48 нафари масофавий таълим портали орқали, 2 минг 858 нафари видеоконференцалоқа тизими орқали (2021 йилги карантин даврида) ўз малакаларини оширдилар.

Касаба уюшмалари фаоллари салоҳиятини ошириш соҳасида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, халқаро тажрибани ўрганиш ва фаолиятга татбиқ этиш мақсадида 2022 йилда институт раҳбарияти ва ходимларининг Халқаро меҳнат ташкилотининг Туриндаги (Италия) Халқаро ўқув марказига ташрифи ташкил қилинди, натижалари бўйича ҳамкорликда ўқув жараёнларини ташкил этиш ҳақида келишувга эришилди.

Шунингдек, Халқаро меҳнат ташкилотининг Шарқий Европа ва Марказий Осиё бўйича бюроси (ACTRAV) ва Марказий Осиё мамлакатлари касаба уюшмалари Кенгаши ўртасида “Касаба уюшмалари таълимини ривожлантириш ва модернизация қилиш ҳамда Марказий Осиё давлатлари касаба уюшмаларининг минтақавий ҳамкорлигини мустаҳкамлаш тўғрисида”ги декларация имзоланди.

Мазкур ҳужжатга мувофиқ Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Малака ошириш институти Марказий Осиё мамлакатларида касаба уюшмалари таълимини ривожлантириш бўйича базавий ўқув маркази этиб белгиланди.

2023 йилда муассасада илк маротаба Халқаро меҳнат ташкилотининг Туриндаги ўқув маркази дастурлари асосида Озарбайжон, Туркия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Мўғулистон ва Ўзбекистон касаба уюшмалари вакиллари учун семинар, 2025 йилда Қирғизистон касаба уюшмалари Федерацияси вакиллари учун “Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги” ҳамда “Касаба уюшмалари фаолиятини ташкил этиш” йўналишларида ўқув курси юқори савияда ўтказилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ва Озарбайжон касаба уюшмалари Конфедерацияси ўртасида имзоланган Меморандум асосида 2025 йилнинг 3-5 сентябрь кунлари Озарбайжон меҳнат ва ижтимоий муносабатлар Академиясида Ўзбекистон касаба уюшмалари меҳнат техник инспекторлари учун “Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги” мавзусида ўқув-семинар ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг ташаббуслари билан 2022 йилда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси таъсисчилигида Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси ташкил қилиниб, бугунги кунда Академияда жами 1 минг 149 нафар, жумладан таълимнинг кундузги шаклида 323 нафар, сиртқи шаклида эса 826 нафар талабалар таҳсил олмоқда.

Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар Академиясида 2-ва 3-курс талабалари орасида кириш тестидан энг юқори балл тўплаган 30 нафар талаба давлат гранти асосида таълим олмоқда.

Академия томонидан ўтган вақт давомида талабалар иштирокида турли учрашувлар, баҳс-мунозара, мулоқотлар, оғзаки суҳбатлар, савол-жавоб кечаларини мунтазам равишда уюштириш, талабаларнинг бўш вақтларини мазмунли ва самарали ўтказишни ташкил этиш ҳамда улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга асосий эътибор қаратилди. Жумладан, 2022-2025 йилларда Академия талабалари учун 700 дан зиёд турли маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилди.

Бундан ташқари, талаблар орасидан иқтидорли спортчиларни аниқлаш ҳамда уларни рағбатлантириш мақсадида ушбу даврда спорт турлари бўйича 56 маротаба спорт мусобақалари ўтказилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари тизимида жамоатчилик билан алоқаларни янада мустаҳкамлаш, ахборот ишларини тубдан яхшилаш, бу орқали фаолиятнинг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш борасидаги ишлар сезиларли даражада кучайтирилди.

Хусусан, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (ЎЗА), “Uzreport” ахборот агентлиги, босма ва электрон оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамланди. «Халқ сўзи», «Народное слово», “Янги Ўзбекистон”, «Правда Востока», “Ишонч”, “Ишонч-Доверие” газеталарида касаба уюшмалари фаолиятига оид доимий рукнлар ташкил этилиб, турли ахборот ва таҳлилий материаллар бериб борилди. Жумладан, “Халқ сўзи” газетасида “Янги Ўзбекистон – янги касаба уюшмалари”, “Ижтимоий ҳимоя”, “Народное слово” газетасида “Профсоюзы – радиус действия”, “Янги Ўзбекистон” газетасида “Касаба уюшмаларида”, “Правда Востока” газетасида “Профсоюзная жизнь”

рукнлари ташкил этилиб, Ўзбекистон касаба уюшмалари фаолиятининг устувор йўналишларида амалга оширилаётган тизимли ишлар мунтазам равишда ёритиб келинмоқда.

«Халқ сўзи», «Народное слово», «Правда Востока», «Янги Ўзбекистон», «Хуррият», «Ўзбекистон овози», «Қишлоқ ҳаёти», «Маърифат», «Жамият», «Иқтисодий газета», «Оила даврасида», «Маҳалла», «Хуқуқ ва бурч», «Адолат», «Тошкент оқшоми», «Ташкентская правда», «Ватанпарвар», «Миллий тикланиш», «XXI аср», «Ишонч», «Ишонч-Доверие» каби газеталар, шунингдек, «Соғлиқни сақлаш муассасалари бошқарув ходимлари», «Справочник по кадровым вопросам», «Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари» журналлари саҳифаларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуслари билан халқимиз турмуш даражасини ошириш ва инсон манфаатларини таъминлаш мақсадида барча соҳаларда бирдек олиб борилаётган ислохотлар ва уларда касаба уюшмаларининг иштироки, касаба уюшмалари томонидан меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялаш йўналишларида амалга оширилаётган ишларни ёритувчи 7 мингдан зиёд таҳлилий мақола ва хабарлар, суҳбат ва лавҳалар, интервьюлар ва долзарб савол-жавоблар чоп этилди.

Республика ва хорижий нашрларда мамлакатимиздаги ислохотларнинг инсон манфаатларини таъминлашга қаратилганлиги, уларда касаба уюшмаларининг иштироки тўғрисида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раҳбарияти ва мутасаддиларининг чиқишлари ҳам ташкил этиб келинмоқда. Жумладан, 2023 йилда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқовнинг «Халқ сўзи» ва «Ишонч» газеталарида «Нигоҳ» рукнида «Ватан истиқболини ўзимиз белгилаймиз», «Аждодларимизнинг озодлик руҳи ва жасорати ҳамиша қалбимизда», «Янги Ўзбекистон етакчиси», «Народное слово» ва «Ишонч-Доверие» газеталарида «Лидер Нового Узбекистана», Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (ЎЗА) ва унинг веб-сайти орқали «Янги Ўзбекистон етакчиси», «Шахснинг тарихдаги роли ёхуд Шавкат Мирзиёев феномени ва унинг Ўзбекистон ҳамда Марказий Осиёда кечаётган жараёнларга таъсири ҳақида», «Ватан истиқболини ўзимиз белгилаймиз» каби таҳлилий мақолалари чоп этилди. 2024 йилнинг ўзида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқовнинг «Халқ сўзи» ва «Ишонч» газеталарида, шунингдек, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (ЎЗА) ва унинг веб-сайти орқали «Уйғонаётган арслон», «Шавкат Мирзиёев: «Мен умримни шу халққа тикканман!», «Дунё» АА телеграм канали ва расмий веб сайтида «Пробуждающийся лев: эпоха обновления» каби таҳлилий публицистик мақолалари, «Platforma.uz» телеграм каналида «Жиддий иқтибос» пости, Германиядаги «Berliner Zeitung» нашрида германиялик сиёсий шарҳловчи Томас Фасбендернинг сиёсатшунос Қудратилла Рафиқов билан «Ўзбекистондан «Янги Ўзбекистонгача»: йўқотилган қалбни қидириб» сарлавҳали суҳбати, «Ишонч» ва «Ишонч-Доверие» газеталарида «Янги Ўзбекистон ва касаба уюшмалари: сўз ва амал уйғунлиги» номли таҳлилий мақолалари чоп этилди. 2025 йилда эса Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқовнинг «Халқ сўзи» ва «Ишонч» газеталарида «Кутиб ол, дунё...», «Тарих синовларидан ўтган ҳақиқат», «Халқ

сўзи”, “Янги Ўзбекистон” ва “Ишонч” газеталарида “Аламим бор...” мақолалари эълон қилинди.

Ҳисобот даврида хорижий касаба уюшма нашрлари, хусусан, Касаба уюшмалари Умумконфедерацияси халқаро бирлашмаси нашри бўлган “Профсоюзы” ойлик халқаро ахборот-таҳлилий журнали ҳамда “Вестник профсоюзов” журнали, ташкилот веб-сайти саҳифаларида мунтазам равишда Ўзбекистонда мамлакат Президенти ташаббуслари билан инсон манфаатларини таъминлаш мақсадида олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар ва уларнинг ижобий натижалари, шунингдек, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси фаолиятининг устувор йўналишларида амалга оширилаётган тизимли ишлар, хусусан, ижтимоий шерикликни ривожлантириш, халқаро ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш ва бу орқали Ўзбекистон имиджини жаҳон ҳамжамиятида янада мустақкамлашга муносиб ҳисса қўшиш йўналишларида олиб борилаётган ишлар тўғрисида ахборот ва мақолалар бериб борилмоқда. Жумладан, ҳисобот даврида мазкур нашрларда 300 дан ортиқ таҳлилий мақола ва хабарлар чоп этилишига эришилди.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг информацион ва таҳлилий дастурлари, хусусан, “Ўзбекистон 24”, “Ўзбекистон”, “Ёшлар”, “Спорт”, “Тошкент”, “Маҳалла”, “Маданият ва маърифат”, “Дунё бўйлаб” телеканалларидаги «Ахборот-24», “Новости 24”, «Таҳлилнома», «Янги Давр», «Хабарлар», «Пойтахт», “Диёр янгиликлари” информацион дастурлари, «Студия 24», «Ижтимоий соҳа», «Ижтимоий ҳимоя», «Махсус репортаж», “Репортаж 24”, “Соғлом турмуш тарзи сари”, «Телемушоҳада», «Тафсилот», «Давр мавзуси», «Кун мавзуси», «Интервью» каби информацион ва таҳлилий кўрсатув ҳамда дастурлари, шунингдек, “Севимли”, “МУ 5”, “Миллий” ва “Uzreport”, “Zo’r TV” ва “Ренессанс ТВ” телеканалларининг информацион-таҳлилий дастурлари, «Ўзбекистон», «Ёшлар», «Маҳалла», «Тошкент» ҳамда FM радиоканалларидаги ахборот таҳлилий дастурлар ва эшиттиришлар орқали касаба уюшмалари томонидан ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоялаш, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, маънавиятини юксалтириш борасида олиб борилаётган ишлар, “Ўзбекистон 2030” Стратегиясини ҳаётга татбиқ этиш ҳамда Давлат дастурлари доирасида касаба уюшмалари томонидан амалга оширилаётган тизимли ишлар, ходимларнинг ижтимоий ҳимояси ва меҳнати муҳофазасини таъминлаш йўналишларидаги саъй-ҳаракатлар ва тадбирлар тўғрисида 1000 га яқин телелавҳалар, суҳбат ва интервьюлар намойиш этилди, хабар ва эшиттиришлар, тўғридан-тўғри мулоқотлар эфирга берилди.

Шунингдек, “Ўзбекистон 24” телеканали орқали “Аёл рози бўлса” таҳлилий кўрсатуви намойиши йўлга қўйилиб, унда хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш бўйича касаба уюшмалари Федерацияси раиси раҳбарлигида иш олиб бораётган Республика Ишчи гуруҳи фаолияти, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида ташкил этилган 1211 қисқа ракамли “Ишонч телефони”га хотин-қизлардан келиб тушаётган

мурожаатларнинг хал этилиши тўғрисида тахлилий-танқидий кўрсатувлар намоиш этиб борилди.

Мамлакатимизда ходимлар учун муносиб меҳнат шароитларини яратиш, жамоа шартномалари орқали турли соҳа ходимларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлаш, бандликни таъминлаш, ёшлар ва хотин-қизлар ижтимоий ҳимоясини кучайтириш каби йўналишларда амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ахборот-таҳлилий материалларнинг «Дунё» ахборот агентлиги сайтида, хорижий нашрлар ва веб-саҳифаларда, мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги элчихоналари веб-сайтларида чоп этилиши, шунингдек, хорижий мамлакатларнинг ижтимоий-сиёсий, илмий-академик доирадаги вакиллари ўртасида тарқатилиши таъминланди. Хусусан “Дунё” АА орқали 150 га яқин материаллар ёритилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Интернет Портали такомиллаштирилди. Порталда ташкил этилган «Интерактив хизматлар» блоки орқали аҳолига «Касаба уюшмасига қандай аъзо бўлиш мумкин?», «Касаба уюшма ташкилоти қандай тузилади?», «Жамоа шартномалари макетлари», «Фуқаролар мурожаати», «Бўш иш ўринлари», «Касаба уюшмаси тузилмаган ташкилотлар учун Жамоа шартномасини онлайн экспертизадан ўтказиш», «Юридик хизматлар», «Меҳнат муҳофазаси», «Меҳнат жамоаларида маданий-маърифий ва спорт ишларини ташкил этиш», «Болалар оромгоҳига йўлланма олиш тартиби», «Санаторий ва дам олиш уйларига йўлланмалар олиш тартиби» каби 10 га яқин интерактив хизматлар кўрсатилмоқда. Бундан ташқари, Порталдан фойдаланувчилар учун онлайн савол йўллаш имконияти яратилган. Шунингдек, касаба уюшмалари Федерациясининг очиқ маълумотлар порталига (data.gov.uz) бериб борилаётган маълумотлар базаси доимий тарзда янгиланиб борилмоқда.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси веб-Портали нафақат республикамиз, балки кўплаб хорижий давлатлардан кирувчи бир-бирини такрорламайдиган манзиллардан бўлган 900 минг нафардан ортиқ ўқувчига эга бўлди. Бу кўрсаткич Портал ўқувчилари сонининг ҳисобот даврида деярли 8 баробарга кўпайганини кўрсатади.

2024 йилда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Интернет тармоғидаги янги веб-Портали янгича замонавий дизайн ва янада қулай функциялар асосида ишлаб чиқилиб, ишга туширилди. Янги веб-Порталга республикамиздаги касаба уюшма ташкилотлари ҳамда фуқаролар мурожаатлари бўйича яққол кўринишга эга статистика, мамлакатимизда касаба уюшмалари ҳаракатининг ташкил этилиши ва унинг ривожланиш босқичлари тарихи тўғрисида атрофлича маълумот ва ахборотни ўз ичига олган “Ўзбекистон касаба уюшмалари Музейи” блоки қўшилди. Шу билан бирга Федерация веб-Порталида “Касаба уюшмаси ёрдам берди” ва “Профсоюз помог” номли рунлар фаолияти такомиллаштирилиб, улар орқали Республика ва хорижий мамлакатлардаги манзиллардан бўлган Портал ўқувчилари эътиборига меҳнаткашларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасида касаба уюшмалари томонидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги материаллар ҳавола этилмоқда.

Портал доимий равишда Ўзбекистон касаба уюшмалари фаолиятига оид ўзбек ва рус тилидаги материаллар билан янгилаб борилмоқда.

Ҳисобот даврида турли веб-сайтлар ва ижтимоий тармоқлар орқали касаба уюшмалари фаолиятининг устувор йўналишлари тўғрисида ахборот ва мақолалар чоп этилиб, суҳбат ва интервьюлар берилди. Хусусан, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг «kasaba.uz» интернет-порталида, «uza.uz», «Jahonnews.uz», «Дунё АА», «Anhor.uz», «kun.uz», «uz24», «daryo.uz», «gazeta.uz», «qalampir.uz», «Парламент гов.уз», «Human.uz», «podrobno.uz», «sharh.uz», «uzdaili.uz», «pv.uz», «gt.uz», www.chefs.uz, «nuz.uz», «uzreport.uz», «telegraf.uz», «platforma.uz», «xs.uz», «ns.uz», «yuz.uz» каби веб-сайтларда, «sputniknews-uz.com», «vkr.ru/news», «ilo.org», «Всемирный банк», «vkr.ru/news», news.un.org/ru (БМТ), <https://www.ilo.org/moscow> (ХМТ) каби халқаро веб-сайтларда, бир қатор Телеграм каналларда 2000 га яқин ахборотлар чоп этилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг «Фейсбук» ижтимоий тармоғида ташкил этилган «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Матбуот хизмати» саҳифасида 2000 мингга яқин постлар, шунингдек, таҳлилий ахборот ва янгиликлар чоп этилди. Бундан ташқари Федерациянинг Telegram мессенджериде янгиликлар бериб борилмоқда. Хусусан, ҳисобот даврида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг «Telegram» мессенджериде 10 000 га яқин пост ва репостлар, таҳлилий ахборот ва янгиликлар чоп этилди. Энг муҳими телеграм каналига жойлаштирилаётган контентларни кўрувчилар сони кескин ортиб, ҳар йили 2 миллион 200 минг нафардан ортиқни ташкил этди. Телеграм каналда жойлаштирилган 1 та постни кўрган ўқувчилар сони бир ойда 1900 нафардан қарийб 3200 нафаргачани ташкил этди.

Шунингдек, «Youtube» платформасида «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси» расмий канали ташкил этилиб, қисқа ролик ва видеолар бериб борилмоқда.

Матбуот анжуманлари ўтказиш бўйича режага мувофиқ ҳисобот даврида Федерация томонидан 40 га яқин матбуот анжумани ташкил этилди, уларда маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакилларига мавзуга оид батафсил маълумотлар берилди. «Жамоа шартномалари – ходимлар ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ҳамда улар турмуши сифати ва даражасини оширишнинг муҳим омили», «Болаларни ёзги дам олдириш ва соғломлаштириш мавсумининг бориши», «Меҳнатқшлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш», «Ёш ишчи кадрларни тайёрлашга ва уларнинг малакасини оширишга кўмаклашиш» лойиҳаси доирасида ўтказилган «Энг яхши ишчи касб эгаси» республика танлови якунлари тўғрисида», «Мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатига йўл қўймаслик бўйича ўтказиладиган Миллий мониторинг», «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги янги Қонуннинг мазмун моҳияти», «Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллиги олдидан», «Касаба уюшмалари тизимидаги Ҳисобот-сайлов конференциялари», «Халқ билан мулоқотда касаба уюшмаларининг ўрни» мавзуларидаги матбуот конференциялари ва брифинглар шулар жумласидандир.

Журналистика соҳасида «Олтин қалам» Миллий мукофоти учун халқаро танлови доирасида Федерация томонидан “Меҳнат муносабатлари мавзуси энг яхши ёритилган материал учун” ҳамда “Ижтимоий шериклик мавзуси энг яхши ёритилган материал учун” номинациялари таъсис этилиб, уларда ғолиб бўлган 8 нафар журналистга касаба уюшмалари мукофоти – диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

27 июнь – Матбуот ва ОАВ ходимлари куни муносабати билан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида махсус тадбир ташкил этилиб, мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида инсон манфаатларини таъминлаш йўлида олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар, ижобий янгиланиш ва бунёдкорлик ишлари, уларнинг самараси ҳамда натижаларини кенг ёритишга муносиб ҳисса қўшаётган оммавий ахборот воситалари ходимларидан 500 нафарга яқини муносиб рағбатлантирилди.

Шунингдек, «Йилнинг энг фаол журналисти» танлови ғолиб ва совриндорларини тақдирлашга муносиб ҳисса қўшиш мақсадида бир гуруҳ журналистларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

Касаба уюшмалари фаолиятининг барча йўналишларида тизимда амалга оширилаётган ишлар ҳақида кенг оммага холис маълумотларни етказиш, меҳнаткашларнинг манфаатлари билан боғлиқ долзарб масалаларни ҳал қилишда “Ишонч” ва “Ишонч-Доверие” газеталарининг ўрни ортиб бормоқда.

“Ишонч” газетасининг адади 2017 йилдаги 25 минг нусхадан 35 минг нусхага, “Ишонч -Доверие” газетасининг адади 3 минг нусхадан 4 минг нусхага ошди.

Бугунги кун оммавий ахборот воситалари олдига қўйилаётган талаблардан келиб чиқиб, “Ишонч” газетаси саҳифаларида “Ўзбекистон касаба уюшмаларининг 120 йиллигига”, “Касаба уюшмаси аралашгач”, “Жавоб излаётган саволлар”, “Оғриқ тишлар...”, “Долзарб мавзу” каби рукнларда изчил мақолалар бериб борилди. “Ишонч-Доверие” газетаси саҳифаларида эса “К 120-летию профсоюзов Узбекистана”, “Социальная защита”, “Как живешь, первичка?”, “Помог профсоюз” каби кўплаб рукнлар ташкил этилди.

Ахборот технологиялари юксак тараққий этаётган даврда фаолиятни нафақат босма шаклда, балки электрон фаолиятда ҳам ривожлантириш борасида қатор ишлар қилинди.

Хусусан, ижтимоий тармоқлар, жумладан, “Facebook”, «Телеграм», «Youtube»да таҳририят саҳифалари ташкил этилиб, улар ахборотлар билан мунтазам янгиланиб борилмоқда. Жумладан, «Телеграм»даги “Ishonch.uz” канали обуначилари 16 мингдан зиёд, «Youtube»даги “Ишонч-Доверие” саҳифасининг обуначилари сони 42 мингга етди.

Таҳририятда замонавий, барча керакли техник воситалар билан жиҳозланган “Медиамарказ” ташкил қилинди. Айни вақтда бу ерда тажрибали ходимлар фаолият юритмоқда.

2024, 2025 йиллар давомийда "Ishonch.uz" каналига 15 мингдан зиёд, «Youtube»даги "Ishonchuz" саҳифасига 350 та материал жойлаштирилди. Телеграм каналидаги баъзи мақолалардаги кўриш(просмотр)лар сони 50 мингдан, «Youtube»даги баъзи материаллар кўриш(просмотр)лари 1 миллион 700 мингдан ошди.

Муштарийлар билан алоқаларни янада мустаҳкамлаш, уларнинг қизиқиш ва талаб-истакларини ўрғаниш мақсадида ҳар бир ҳудудда "Ishonch кўнлари" тадбирларини ўтказиб, газетхонлар билан оқиб мулоқотлар ташкил этиб келмоқда.

Газеталар саҳифаларида чоп этилаётган давр руҳи ва ислохотлар самараси ақс этган, долзарб мавзудagi мақолаларни тўлаб, 2021 йилда "2021 факт ва далиллар, мулоҳаза ва мунозара, танқид ва таҳлил, таққин ва хулосалар...", 2022 йилда "2022 Нитох", 2023 йилда "Йил "Ishonch"и", 2024 йилда эса "Ёттинчи китоб" китоблари чоп этилди.

Газеталарни обуначиларга ўз вақтида етказиб берилиши борасидаги муаммоларни ҳал қилиш, ушбу жараён билан боғлиқ харажатлар ва вақтни тежаш мақсадида 2023 йилдан газеталарни Самарқанд вилоятидаги босмахонада ҳам чоп этиш йўлга қўйилди. Айни вақтда Самарқанд шаҳрида газеталарнинг Қорақалпоғистон, Хоразм, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд ва Жиззах вилоятлари учун нусхалари чоп этилмоқда.

2024 йилда ушбу тажриба Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятлари учун қўлаш борасида амалий харажатлар олиб борилиб, Марғилон шаҳрида газеталарни чоп этиш йўлга қўйилди.

Ҳисобот даврида қасаба уюшмалари ташкилотларининг қўндалик фаолиятига рақамли ва тармоқли технологиялар соҳасидаги янги ютуқларни жорий этиш, компьютер техникаси ва дастурий таъминотни кенг қўлаш ҳамда донимий тарзда янгилаб бориш соҳасидаги ишлар тизимли равишда давом этирилди.

Ҳуссан, Федерация, унинг бўлинмалари ва аъзо ташкилотларида ўрасида марказий ва 13 та ҳудудий студияларни ўз ичига олган видеокофференцалоқа тизими ташкил қилинди.

ҚасабаКИАТ дастурининг қамбағалликни қисқартриш ва бандлик вазирига унинг ҳамда Солиқ қўмитасининг ахборот тизими, юридик ва жисмоний шахсларнинг марказлашган маълумотлар базалари билан интеграция қилиш мўдурлари босқичма-босқич - 2024 йил 1 февралдан сиюв тарикасида ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари қасаба уюшмаси Республика Кенгаши ҳамда тизимдаги қасаба уюшмалари ташкилотларида, март ойидан бошлаб Республика, вилоят, туман, шаҳар кенгашлари, бирлашган кўмиталари, бошланғич қасаба уюшмалари ташкилотларида босқичма-босқич жорий қилиш бошланди.

Қасаба уюшмалари Федерациясининг барча ҳудудий Кенгашларида ҚасабаКИАТ дастурий воситаларидан фойдаланувчи ходимлар учун тегишли шароитлар яратилиб, замонавий компьютер техникалари билан таъминланди. Тизимнинг ишонгли ва пухта ишлашнинг таъминлаш ҳамда унинг

маълумотлар базасида сақланаётган ахборотларни ҳимоясини таъминлаш, заҳира тизимларини яратиш мақсадида сервер қурилмалари харид қилинди.

Жойларда касаба уюшмалари Республика, вилоят, туман, шаҳар кенгашлари, бирлашган кўмиталари ва бошланғич ташкилотларининг жами 2 минг нафардан ортиқ масъул ходимлари учун KasabaKIATнинг дастурий воситаларидан фойдаланиш бўйича ўқув семинарлари ўтказилди.

КасабаКИАТни жорий қилиш жараёнида тизимнинг марказлашган маълумотлар базасига 37 мингга яқин бошланғич ташкилотлар, 7 млн. га яқин касаба уюшмалари аъзолари, 67 мингдан ортиқ цех ташкилотлари, 32 мингдан ортиқ жамоа шартномалари, 210 та жамоа келишувлари, 212 та болалар оромгоҳи, 30 та сиҳатгоҳ ва бошқа шу каби соҳага оид маълумотлар юкланди. Барча бошланғич ташкилотлар ва цех ташкилотлари учун my.kasaba.uz порталида шахсий кабинетлар яратилди.

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИНING IX ҚУРУЛТОЙИ ДЕЛЕГАТЛАРИ ТАРКИБИ ТЎҒРИСИДА ҚИСҚАЧА МАЪЛУМОТ

Қурултойга сайланган делегатлар сони – 422 нафар

Жами делегатлардан **163 нафари аёлларни, 48 нафари 35 ёшгача бўлган ёшларни** ташкил этади.

422 нафар делегатларнинг орасида 11 та миллат вакиллиги таъминланган. Жумладан:

Ўзбеклар – **356 киши**

Қорақалпоқлар – **17 киши**

Руслар – **13 киши**

Қозоқлар – **8 киши**

Тожиклар – 11 киши
 Қирғизлар – 3 киши
 Туркманлар – 3 киши
 Татарлар – 4 киши
 Бошқирдлар – 2 киши
 Корейслар – 4 киши
 Тунгони – 1 киши

8 нафар делегат мамлакатимизнинг олий даражадаги мукофоти – “**Ўзбекистон Қаҳрамони**” унвонига сазовор бўлган.

Делегатларнинг:

10 нафари – Халқ депутатлари туман (шаҳар) кенгашлари депутатлари;

20 нафари – Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар, вилоятлар Кенгашлари депутатлари;

2 нафари – Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутатлари;

1 нафари – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси депутати;

20 нафари – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари (сенаторлар).

Илмий даражага эга бўлган делегатлар – 38 нафар. Шундан:

- Фан докторлари – **19 нафар**;
- Фалсафа докторлари (PhD) – **6 нафар**;
- Фан номзодлари – **13 нафар**.

Илмий унвонга эга бўлган депутатлар – 20 нафар. Шундан:

- Академиклар - **4 нафар**;
- Профессорлар - **14 нафар**;
- Доцентлар - **6 нафар**.